VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

31 (403) ● 2016 йил 10 август, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП гуруҳлари жорий йилда маданий мерос объектлари муҳофазасига оид 12 ташаббус-масалани сессияларга киритди

Бугунги кунда ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши аъзоларининг 60 фоизи хотин-қизлардан иборат

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари 104 депутатлик сўровини амалга оширди



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Қонунчилик палатасида

ЎзМТДП мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг

қонун лойиҳаларини фракция аъзолари қизғин муҳокама қилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кенг муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисига қадар сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи йиғилишларида уларнинг ўз дастурий мақсад-вазифалари нуқтаи назаридан муҳокама қилинган эди. Жумладан, ЎзМТДП фракциясининг йиғилишида депутатлар мазкур қонун лойиҳалари муҳокамасига партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндашди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Таъкидлаш жоиз, айни пайтда, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади.

> 4-бет.

Парламент эшитуви



Маданий мерос объектлари муҳофазаси

ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг доимий эътиборида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедовнинг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси ҳақида”ги ахборотига оид парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур парламент эшитуви ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган маданий, тарихий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида сақлаш ва қайта таъмирлаш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ҳамда уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш сингари устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Истиқлол халқимиз фаровонлиги кафолатидир



> 5-бет.

Нилуфаргул шаклидаги музей



> 7-бет.

Хивада қовун сайли



> 8-бет.

Миллий ғурур

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини намоён этди

Мамлакатимизда навқирон авлод истиқболи йўлида яратиб берилган чексиз имкониятлар ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Бундай эътибор натижасида Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсда ўтказилаётган турли нуфузли танловлар, фестиваллар, фан олимпиадаларида муносиб иштирок этмоқда.

> 6-бет.

Форум

Мустақиллик ва миллий тикланиш

ғояси кенг тарғиб қилинмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Сурхондарё вилояти кенгаши ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида “Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир” мавзусида форум ташкил этилди. Унда партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” етакчилари, адабиётшунос олимлар, ҳунармандлар, рассомлар, истиқлол тенгдоши бўлган ёш ижодкорлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Форумда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди” номли китоби мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилиб, китоб ёшларимизнинг ота-боболаримиз орзу қилган истиқлол осонликча қўлга киритилмаганини англаб етиши, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

> 5-бет.

Ташаббус натижа берди

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бу йил йигирма етти йил тўлади. Халқимизнинг асрий орзуси, эзгу интилиши, мақсад-муддаолари ифодаси бўлган “Давлат тили ҳақида”ги қонун ўтган йиллар мобайнида тилимизнинг ўзига хос жозибасини сақлаш, луғат бойлигини кўпайтириш — янги атама, сўзлар билан тўлдириб бориш, илмий асосда ўрганиш учун кенг имконият яратди.

Реклама ва тил қоидалари

ушбу масала ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди

Тилимизнинг ўзига хос қирраларини ўрганиш кучайди. Унинг грамматик қонун-қоидалари, ифодаланиш услублари шакллантирилди. Ўзбек тили бугун нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда, турли даражадаги расмий учрашув ва музокараларда кенг қўлланилаётир, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сони кўпайиб бормоқда. Энг ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олишни мақсад қилган халқимиз она тилимиз, тарихимиз ва маданиятимиз билан ҳам дунёнинг энг мўътабар мақомларидан жой олишга интилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармони она тилимиз имкониятларини янги босқичга кўтариб, мавқеини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

> 4-бет.

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

MILLIY TIKLANISH
31 (403) 2016 йил 10 август, чоршанба

Парламент эшитуви

Маданий мерос объектлари муҳофазаси

ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг доимий эътиборида

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг тарихи, бой маданий мероси, миллий қадриятларини ўзида мужассам этган ва аждодларимиз даҳоси билан бунёд этилган маданий мерос иншоотлари — меъморчилик обидалари, тасвирий санъат ёдгорликлари, археологик топилмалар, муқаддас қадамжоларимиз, осори атиқаларимизга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ана шундай эътибор ва эъзоз сабаб бой маданий меросимиз қайта тикланиб, миллий-маънавий бойлигимизга айланди.

Бу жараёнда, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Бош қомусимизнинг 49-моддасида маданий мерос объектлари давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилди. "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Архив иши тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги, "Геодезия ва картография тўғрисида"ги, "Туризм тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бундан ташқари, қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Мамлакатимизда "Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция" (Париж, 1972 йил 16 ноябрь), "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция" (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилинди.

Парламент эшитувида мазкур эшитув ташаббускори ЎзМТДП фракцияси партия сайловолди Платформасидан келиб чиқиб ўтган давр мобайнида партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари билан биргаликда жойларда маданий мерос объектлари ҳолатини чуқур ўрганган, соҳага оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилгани эътироф этилди. Бу бежиз эмас. Чунки партия миллий ўзликни англаш, миллий-маънавий тикланиш жараёнида фаол иштирок этиш, бу борада аждодларимизнинг ақлу закоси, илму тафаккури ҳосиласи бўлган минглаб моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, бойитиш, Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш ҳамда ёш авлод вакиллари ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар ватандошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топишида, "Биз ким эдик ва бугун қандай даражага эришдик, қандай бебаҳо қадриятларга ворисмиз?", деган саволларнинг жавобини чуқур англаб етишларида муҳим аҳамият касб этади.

Парламент эшитувида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ахборот берди.

— Юртимиз ўзининг бой тарихи, ўтмиши, буюк алломалари-ю тарихий шаҳарлари билан дунё жамоатчилиги, илм аҳли ва сайёҳларни жалб этиб келмоқда. Республикамиз ҳудудида жами 7 минг 345 моддий-маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 4 минг 124 таси археология объектлари, 2 минг 277 таси архитектура объектлари, 657 таси монументал санъат асарлари, 287 таси диққатга сазовор жойлар ҳамда 53 таси номоддий маданий мерос объектлари ҳисобланади, — деди вазир. — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорликлар сифатида, Наврўз умумхалқ байрами, миллий мусиқа санъати — Катта ашула, Шашмақом, миллий ҳажв санъати — аския эса номоддий маданий мерос объектлари сифатида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, музейларда 2,5 миллиондан зиёд экспонат ва коллекциялар мавжуд, архивларда маданий мерос объектларига оид миллионлаб ҳужжатлар сақланмоқда.

Юртимиздаги моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраш, консервациялаш, қайта тиклаш, тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир. Хусусан, бугунги кунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга 2008 йилга нисбатан ўн баробар кўп маблағ ажратилмоқда. Бунда, албатта, парламент қуйи палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ҳам ҳиссаси бор. Яъни, ҳар йилги Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаш ҳамда унинг чорак ва йиллик ижросини кўриб чиқиш давомида фракция аъзолари маданий мерос объектларининг муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратаётир.

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш, бундай объектларни қайта тиклаш ва уларнинг имкон қадар асл ҳолида сақланишини таъминлаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда. Кўп узоққа бормай, яқин тарихимизга назар ташлайлик: собиқ мустабид тузум даврида кўплаб маданий, тарихий ёдгорликларимиз, муқаддас зиёратгоҳларимиз оёқости қилинган, хўжалик мақсадларида фойдаланилиб, афтодаҳол бир кўринишга келиб қолган эди. Масалан, Қарши шаҳридаги Одина масжиди қамоқхонага айлантирилган бўлса, Самарқанддаги Руҳобод, Имом ал-Бухорий мажмуаларидан ўғит сақланадиган омбор сифатида фойдаланилган. Зангиота мажмуаси эса шўролар даврида ишлаб чиқариш артели, кейинчалик ҳарбий хизматга чақирув пункти вазифасини ўтаган. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Истиқлол йилларида эса ушбу рўйхатдаги манзилгоҳлар тамоман ўзгача қиёфа касб этиб, ўз моҳияти ва аҳамиятини қайта тиклади — маданий, тарихий ёдгорликларимиз бугун энг кўркам ва сайёҳлар билан гавжум масканларга айланди.

Парламент эшитувида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш ҳамда ушбу масала юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг натижалари қизғин муҳокама қилиниб, соҳадаги ютуқлар, ижобий ишлар билан бирга, айрим камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Масалан, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, мазкур қонунда белгиланган муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиий ландшафт тегараларини белгилаш ва уларни сақлаш тартибларига, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларни ташкил этиш ҳамда уларни сақлашга тааллуқли муҳим қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилмаган. Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш тўлиқ даражада амалга оширилмаяпти. Чунончи, тақдим этилган ахборотга кўра, мавжуд 7 минг 345 моддий, маданий мерос объектининг атиги 1 минг 255 таси, яъни 17 фоизининг давлат кадастри шакллантирилган, холос. Моддий-маданий мерос объектларининг муҳофаза белгиларини ўрнатиш борасида ҳам ҳали талай ишлар қилиниши лозим. Таъкидланганидек, маданий мерос объектларининг муҳофаза белгиларини ўрнатиш уларнинг кадастр ҳужжатлари билан бевосита боғлиқ. Яъни давлат кадастридан ўтган, ҳудуди, чегараси аниқ бўлган объектларгагина муҳофаза белгилари ўрнатиш мумкин. Бу борада айни пайтда муайян ишлар қилинаётгани, яъни Маданият ва спорт ишлари вазирлигида маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритишга масъул алоҳида бўлим ташкил этилгани, "электрон ҳукумат" тизими доирасида давлат кадастрининг электрон версияси яратилгани таъкидланди.



Эшитувда ЎзМТДП фракцияси аъзолари партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ўз позицияси, таклиф-тавсияларини баён қилди.

— Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, бу борада маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омил сифатида хизмат қилади, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир МУХТОРОВ** — Ўзбекистан "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида **мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни асраш билан бирга бойитиш ҳамда уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш** муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ўз фаолияти давомида ушбу масалаларга устувор аҳамият қаратмоқда, тарғибот тадбирларида юртимиз тарихи, бой маънавий, маданий мероси, буюк алломаларимиз даҳоси, айниқса, ёшларга кенг тушунтирилмоқда. Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари 2016 йилнинг ўзида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ 12 та ташаббус-масалани сессиялар кун тартибига киритди. Улар юзасидан маҳаллий Кенгашлар қарорлари қабул қилиниб, жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги қонунларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганилди, қатор конференция, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Фракциямиз моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри юритилишини якунига етказишни жадаллаштириш, музейлар, архивлар, кутубхоналар ва бошқа сақлаш жойларидаги мавжуд маданий мерос бойликларининг умумий рўйхатини тузиш, уларни кадастр рўйхатига киритиш ишларини амалга оширишни илгари суради. Шунингдек, мамлакатимиздаги янги маданий мерос объектларининг Умумжаҳон маданий мероси ва Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилиши лозимлигини таъкидлайди.

Парламент аъзолари эшитувда тақдим этилган ахборот ва маълумотлардан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ёш авлод вакилларини Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи маданий мерос объектлари муҳофазаси, обидаларни асраб-авайлаш масаласи депутатларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Улар соҳага оид зарур қонун ҳужжатлари ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш, маданий мерос объектларининг сайёҳлик тизимидаги ўрнини эътиборга олиш, айрим чекка ҳудудлардаги қадимий ёдгорликлар, обидаларни туризм маршрутига киритиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан қизиқдилар.

Эшитувда муҳокама қилинган масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига маданий мерос объектлари муҳофазаси билан боғлиқ қатор вазифалар юклатилди. Жумладан, соҳага оид зарур қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш чора-тадбирларини кўриш, "Ўзархив" агентлиги билан биргаликда архивларда сақланаётган маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишга доир қисмини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш каби вазифалар белгиланди.

Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мустақил тараққиёт йилларида миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан ўтказилган бугунги парламент эшитувида мазкур йўналишдаги ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, истиқлол қадимий тарихимиз, ўзлигимиз, миллий маданият ва маънавиятимизни қайта тиклаган улуғ неъмат эканлигига яна бир карра амин бўлиб, шукроналар айтамиз. Чунки мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ халқимиз тарихидан, аждодларимиз даҳосидан сўзловчи маданий мерос объектларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Халқимиз ўзининг минглаб моддий ва номоддий маданий мерос объектларига, ўз тарихига эгалик ҳуқуқини қўлга киритди. 1993 йилда ЮНЕСКО қарори билан Бухоро, Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларимиз дунёдаги 40 очиқ музей сирасига киритилди. Ватандошларимизнинг маънавий, маданий мулкига айланган обидалар, ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, турли экспонатлар жой олган музейлар бугун юртимиз ва хорижий меҳмонлар, сайёҳлар билан гавжум. Булар истиқлол шарофати эканлиги барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Дилфуза ЖАЛИЛОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Партиямиз ўз сайловолди Платформасига мувофиқ Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги бўлмиш маданий, археология мероси объектлари, архив фонди, музейлар ашёларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мазкур эшитув ушбу йўналишдаги дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросида муҳим ўрин тутади.

Фракциямиз аъзолари ўз сайлов округидаги фаолияти мобайнида жойлардаги маданий мерос объектларининг ҳолати, сақланишини мунтазам ўрганиб, таҳлил қилиб боради. Ўрганишларимиз натижалари ҳамда бугунги эшитувда айтилган маълумотлар шуни кўрсатадики, маданий мерос объектларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ишларини янада яхшилаш, музей, архив, кутубхона ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларининг тўлиқ тоифалаштирилган рўйхатини тузиш зарурати мавжуд. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланилиш инспекцияси фаолиятини тўлақонли ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бепул фойдаланишга берилган моддий маданий мерос объектларини қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши устидан назорат ўрнатиш лозим. "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг бир қатор қоидалари ва меъёрларини, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга доир қисмини янада такомиллаштириш давр талабидир. Бу жараён ЎзМТДП ташкилотлари, фракциямиз ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларини ҳамкорликда фаолият кўрсатишини тақозо этади.

Жамила НИЁЗОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиздаги тарихий объектлар, архитектура ва шаҳарсозлик объектларини қамраб олган 110 халқаро сайёҳлик йўналишининг 65 таси айнан тарихий-маданий мерос объекти ҳисобланади. Бу эса маданий мерос объектларининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти нечоғли юқори эканлигини кўрсатади. Тарихий шаҳарларимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар оқими йилдан-йилга кўпайиб бораётгани юртимиз тарихи, бой маданий меросига қизиқиш ортаётганидан далолат беради. Шу ўринда Американинг нуфузли "Хаффингтон пост" Интернет нашри Самарқандни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўриши, албатта, зарур бўлган дунёдаги 50 шаҳарнинг бири сифатида эътироф этганини эсга олиш жоиз. Дунё жамоатчилигини ўзига ром қилиб келаётган ана шундай тарихий шаҳарларимиз қиёфасини сақлаб қолиш, уларни асраб-авайлаш, шу билан бирга келажагимиз эгаларига етказиш, тарғиб қилиш умуммиллий вазифамизга айланиши лозим.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қўмита йиғилиши

Замонавий уй-жойлар

қурилиши аҳоли фаровонлиги юксалишининг муҳим омили

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси "Мустақиллик йилларида замонавий уй-жойларнинг қурилиши аҳоли фаровонлиги ошишининг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда 2009-2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги 56 минг 500 та барча қулайликка эга замонавий ва шинам уй-жойлар қурилди. Халқимиз турмуш маданиятини юксалтириш, айниқса, оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудуди, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам барча шароитга эга турар-жойлар барпо этилмоқда. Янги қишлоқ мавзеларида ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, замонавий лойиҳалар асосида мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо мажмуалари ва болалар спорт майдончалари мавжуд. Уй-жойлар қурилиши дастурларини молиялаштиришда чет эл инвесторлари, хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

— Намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни харид қилиш учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилаётгани фуқароларга ҳар томонлама қулайлик яратяпти, — дейди "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси бош муҳандиси Саидаҳмад Раззоқов. — Ипотека кредитлари 15 йилга мўлжаланган бўлиб, асосий қарзнинг қайтарилиши бўйича 3 йиллик имтиёзли давр белгиланган. Кредитлар йилига 7 фоизни ташкил этади.

Давра суҳбатида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларнинг сифати, нархи ва бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди. Таъкидлаш жоиз: уй-жойларнинг нархини арзонлаштириш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан уй-жой қурилиши бўйича шартнома тузган пудратчи ташкилотлар солиқ тўловларидан озод этилган. Уларга ёғоч-тахта, том ёпқичлари, ламинат, ойна, иситгич, ички ва ташқи бўёқ, газ плитаси каби ўн икки хилдаги қурилиш материаллари ва жиҳозлар тўғридан-тўғри қурилиш майдонларига имтиёзли нархларда етказиб берилмоқда. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг имтиёзли кредит маблағи ва уларнинг фоизларини қоплаш учун йўналтирилган қисми даромад солиғидан озод қилиниб, ер участкаси умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк сифатида расмийлаштирилади.

— Инсон доимо обод ва фаровон турмуш кечириш, қулай шарт-шароитларга эга кўркам уй-жойда яшашга интилади, айни масала эса давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев. — Барча ҳудудда замонавий уйлар қурилиши кўлами ва суръатлари йилдан-йилга ортиб, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Бу борада Шаҳарсозлик кодекси, Ягона қурилиш регламенти ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур масалалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга ҳам бевосита уйғун ва ҳамоҳанг. Жумладан, уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш, қурилиш ва безак ишларида энг яхши хорижий тажриба ва миллий меъморлик анъаналарини қўллаш партиянинг дастурий мақсадларидан этиб белгиланган. Шу боис бугун нафақат фракциямиз, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ҳам бу борада қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, Шаҳарсозлик кодексининг ҳудудлардаги ижроси ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама этилмоқда. Бугунги давра суҳбатида соҳа мутахассислари ҳамда масъуллар билан мазкур йўналишдаги муҳим масалаларни муҳокама қилиб, келгуси вазифаларни белгилаб олдик.

Тадбир сўнггида бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Иштирокчиларнинг таклиф ва тавсиялари асосида қўмита қарори қабул қилинди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хотин-қизлар форуми

Аёллари эъзоз топган юрт

ЎзМТДПнинг байрамолди тадбирлари хотин-қизлар фаоллигини оширишга бағишланмоқда

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар самараси бугунги фаровон турмушимизда, шаҳар-қишлоқларимизнинг кўркам қиёфасида, кексаларга кўрсатилаётган ҳурмату эҳтиромда, ёшлар, хотин-қизларга нисбатан юксак эътиборда яққол намоён бўлмоқда. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" мавзусида ташкил этилган хотин-қизлар форумида шу хусусда сўз борди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси, партия Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ва журналистлар иштирок этди.

Форумда ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова иштирок этиб, жумладан, шундай деди:

— Мустақиллик анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби мақсадларимизнинг амалга ошишига замин яратди. Истиқлолни асраш, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол тарбиялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ёшларимизни юксак мақсад ва марралар сари чорламоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бирор-бир жабҳа йўққи, унда мустақилликнинг ўрни ва аҳамияти англанмаса, жамиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўққи, ўз ҳаёти, турмуш тарзида истиқлол берган неъмат ва имкониятлардан баҳраманд бўлмаса. Бугунги хотин-қизлар форуми мустақилликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Форумда партия "Аёллар қаноти" ўтказган тадбирлар — эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия "Аёллар қаноти"нинг фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Партия Марказий кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов, халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун Азаровнинг "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" мавзусидаги мустақилликка қадар бўлган давр ва мустақилликдан сўнг эришилган ютуқлар ҳаётий мисоллар орқали таҳлил қилинган фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Эл суйган санъаткорлар томонидан Ватан, истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Бир гуруҳ хотин-қизлар партия сафига қабул қилинди. Фаол хотин-қизларга ЎзМТДПнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.



Лайло МУҲИТДИНОВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси:

— Истиқлол хотин-қизларнинг етакчилик қобилияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун кенг имконият яратди. Буни бугун жамиятимизнинг барча соҳасида самарали меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар эришаётган ютуқ ва марралар мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Хусусан, партиямиз сафидаги аёллар ҳам ЎзМТДП ғояларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишга интилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган бу каби тадбирлар мустақиллик йилларида юртимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамиятга эга.

* * *

Айни шундай форум ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП фракцияси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, барча даражадаги партия ташкилотлари ходимлари, "Аёллар қаноти" ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ҳунармандлар, спортчи қизлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Форум миллий анъана ва урф-одатларимизни ўзида акс эттирган либослар ҳамда ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси намойиши билан бошланди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг қарийб 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, — деди форумда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова. — Шу боис ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси сифатида "Аёллар қаноти" ташкил этган тадбирларда мунтазам иштирок этиб, аҳоли, жумладан, хотин-қизларга амалдаги қонунлар, Давлат дастурлари мазмун-моҳияти ҳамда қонун ижодкорлиги жараёни ҳақида кенг маълумот бериб борамиз. Уларнинг ҳар гал фаоллиги, ташаббускорлиги, фикр-мулоҳазаларини кўриб, эшитиб, истиқлол ўзбек аёлларига нақадар кенг имконият берганига чин дилдан амин бўламиз.

Форумда сўзга чиққан партия вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев мустақиллик йилларида жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оширишга кенг имконият берилаётгани, партия "Аёллар қаноти" ўтказаётган тарғибот тадбирлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишга ундаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз эртаси, келажаги кўп жиҳатдан аёллар маънавияти ва саломатлигига боғлиқ. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилга Соғлом она ва бола деб ном берилишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва спортга кенг жалб этиш кўлами янада кенгаймоқда.

Форумда ҳунарманд ва санъат соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг маҳсулот ҳамда асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда иштирокчиларнинг миллийлигимиз тараннум этилган бадиий ижод, жонли ижродаги қўшиқ ва рақслари, созандалик, ҳунармандлик маҳоратлари баҳоланди. "Энг ёш истеъдодли шоира", "Энг моҳир миллий мусиқа ижрочиси", "Энг жозибали миллий рақс ижрочиси", "Энг моҳир миллий либос дизайнери" каби ўнга яқин номинациялар бўйича фаол иштирокчилар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулчеҳра ШАРИПОВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу муҳим ишга давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик қилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қаторида бизнинг партиямиз ҳам ўз лойиҳалари билан ҳисса қўшаётир. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ва партия дастуридаги вазифаларга асосан ташкил этилган бугунги форум ана шундай тадбирлардан биридир. Бундай тадбирлар хотин-қизларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнига дахлдорликни янада мустаҳкамлаши, фаоллигини ошириши билан аҳамиятлидир.

Ойдин НАСРИДДИНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири
Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Хроника

Истиқлол шукронаси

партия ташкилотлари тадбирларининг бош мавзуси

Қашқадарё

Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шундай шукуҳли кунларда юртдошларимиз қалбида эзгу орзу-умидлар, яратувчанлик, бунёдкорлик истаги жўш урмоқда. Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, овуллар ва хонадонларда мустақиллик нашидаси кезаётир. Байрамни кўтаринки кайфият, шукроналик ҳисси билан қарши олиш мақсадида ЎзМТДП ҳудудий кенгашларида ҳам мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган тадбирлар кўтаринки ва байрамона руҳда ташкил этилмоқда.

Партия Қашқадарё вилоят кенгашида ташкил этилган тадбир ҳам мустақиллик байрамига тайёргарликка бағишланди. Унда партия вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бу каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат ҳамда истиқлол неъматларига шукроналик туйғуларини мустаҳкамлаши шубҳасиз. Шунингдек, истиқлол имкониятларидан унумли фойдаланиб, турли соҳаларда ўз истеъдодини намоён қилаётган навқирон авлодни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

Самарқанд

ЎзМТДП Қўшработ туман кенгаши мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Тарих — улуғ мураббий" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда юртимизнинг шонли тарихи, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни бугун дунё халқлари кенг эътироф этаётгани, бу меросни асраб-авайлаш барчамизнинг фарзандлик бурчимиз экани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли аждодларимиздан қолган бой маънавий ҳамда маданий меросни асраб-авайлаш ва қайта тиклашга аҳлоҳида эътибор қаратилмоқда. Мозий синоатларига гувоҳ бўлган тарихий обидалар, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Халқимизнинг маданий, тарихий ёдгорликларини кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасидаги амалий ишларга ҳар томонлама кўмаклашишни дастурий вазифаларидан бири деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу борада турли ташаббусларни илгари сурмоқда. "Тарих — улуғ мураббий" лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган тадбирларда ёшлар иштирокида тарихий қадамжоларга уюштирилаётган саёҳатлар, ташкил этилаётган ободонлаштириш ишлари, навқирон авлоднинг бу борадаги илмий-ижодий ишлари партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда айни муддао бўлаётир.

Ўз мухбиримиз

ЎзМТДП ташкилотларида

Сарҳисоб ва галдаги вазифалар

партия ҳудудий кенгашлар кенгайтирилган йиғилишларида кенг муҳокама қилинмоқда

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, қишлоқ жойларда ҳам намунавий уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилаётгани ҳар бир инсон қалбида фахр ва ғурур уйғотмоқда, — деди партия раҳбари. Албатта, бу каби ўзгаришлар, ютуқ ва натижалар осонликча қўлга киритилгани йўқ. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш, мамлакатимиз миллий манфаатлари, инсон омили олий қадрият сифатида ислоҳотлар марказига қўйилгани, "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун" деган ҳаётбахш тамойил устувор мақсад этиб белгиланган ютуқ ва марраларимиз гарови бўлиб хизмат қилаётир.

Барча даражадаги партия ташкилотлари улуғ айём — мустақиллигимизнинг 25 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Кенгайтирилган йиғилишда партия тизимида жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, шу билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилди. ЎзМТДП Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари Солижон Кудратов таъкидлаганидек, биринчи ярим йилликда ЎзМТДП сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида", "Оилалар саодати — мустақиллик самараси", "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловлари, "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз" мавзусида ёшлар фестивали, "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" шиори остидаги ёшлар акцияси, "Тўй ва маросимларнинг ихчамлигига эришайлик", "Президент асарлари билимдони" каби лойиҳаларнинг вилоят босқичлари юқори даражада ташкил этилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлар электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 104 депутатлик сўрови юборди. Маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 27 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Партия электорати манфаатларига доир 22 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама этилди. Партия гуруҳлари томонидан 7 та ташаббус-масала сессиялар кун тартибига киритилди.

Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида депутатлик ваколатидан унумли фойдаланмаётган, ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган айрим депутатлар ва партия ташкилотлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Партиядан Сирдарё вилояти маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар электорат манфаатларини ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада кучайтириши, депутатлик назоратини олиб бориши, сессиялар, доимий комиссиялар мажлислари муҳокамасига масалалар киритишда фаоллик кўрсатиш лозимлиги таъкидланди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев иштирок этди.

— Мустақиллик халқимизга озод ва фаровон ҳаёт инъом этди, асрий орзу-умидлар ушалди, қадр-қимматимиз тикланди, тақдиримизни ўзимиз белгилашимиз учун имконият яратди, — деди Жалолиддин Сафоев. — Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида йилдан-йилга юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлиб бормоқда. Энг муҳими, ўзлигимизни англадик, қўлга киритаётган ютуқларимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар, партия вилоят кенгашининг жорий йил биринчи ярим йиллиқдаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йиллиқдаги фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш мақсадида партия вилоят кенгаши томонидан 400 дан зиёд турли маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Айни пайтда вилоятда 11 ярим мингдан зиёд партия аъзоси бор. Улар 350 бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Ўтган даврда, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари 70 депутатлик сўровини амалга оширди, улар ташаббуси билан 5 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди.

Жорий йилда эришилган натижалар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани танқидий таҳлил этилди. Уларни бартараф этиш партия ташкилотлари ва депутатлардан изланувчанлик, ташаббускорлик, ўз фаолиятига нисбатан талабчанлик ва танқидий ёндашувни тақозо этади. Йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик режаси, партия Марказий кенгаши пленумида белгиланган вазифалар, вилоят кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти ва келгуси вазифалар муҳокама этилди.

Партия Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ҳамиджон Омонов партия ташкилоти томонидан амалга оширилган "Эртанги кун бизники, марра бизники" акцияси, "Депутат ташрифи", "Депутат соврини учун" каби янги лойиҳалар партия аъзолари сафининг кенгайишига сезиларли таъсир кўрсатаётганига эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг вақтдан тўғри ва мазмунли фойдаланиш кўникмасини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтириш партия ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Бу жараёнда партия вилоят кенгаши бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда тарғибот тушунтириш тадбирлари, мутахассислар иштирокидаги учрашувлар, акциялар ўтказмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларнинг фаол иштирокчиси сифатида партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" "Ўзбекистондаги иқтисодий ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди. "Президент асарлари билимдони" мавзусида ўтказилган эсселар танлови эса истеъдодли ёшларни партия сафларига жалб этишда муҳим аҳамият касб этди. "Ёшлар қаноти"нинг турли мавзуларда ташкил этган 84 давра суҳбати, форум ва маънавий-маърифий тадбирида 5 мингга яқин ёшлар иштирок этди. "Ёшлар қаноти"нинг йирик лойиҳаси — "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" шиори остидаги минтақавий ёшлар фестивали ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Кенгайтирилган йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев, партия Марказий кенгаши аъзоси Зокиржон Машрабов, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари Ҳусанбой Жўраев, Зулхумор Жўраева партия сайловолди Платформасини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва депутатлик назоратини амалга оширишда партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари ҳамкорлигини самарали ташкил этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбирлари
Оқилхон ДАДАБОЕВ,
ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

MILLIY TIKLANISH
31 (403) 2016 йил 10 август, чоршанба

Қонунчилик палатасида

ЎзМТДП мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг

қонун лойиҳаларини фракция аъзолари қизғин муҳокама қилди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан эл-юрт корига камарбаста, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида болалар ва ёшлар масалаларига оид 20дан ортиқ қонун, Президентимизнинг қарор ва фармонлари, 200дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди, давлатимиз йигирма халқаро ҳуқуқий ҳужжатни ратификация қилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш, навқирон авлодни узлуксиз таълим тизими билан таъминлаш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида вояга етказиш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ҳамда ёшларни турли иллатлардан ҳимоя қилишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Фракция йиғилишида таъкидланганидек, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ёшларга оид сиёсатни, яъни ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришда уларнинг интеллектуал, ижодий салоҳиятини йўналтиришни назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёшларга оид сиёсатни рўёбга чиқариш, комплекс ташкилий-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида иштирок этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаш масъулиятини кучайтириш, ёш авлод вакилларини ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш, йигит-қизлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларга оид белгиланган мақсад-вазифаларга ҳамоҳанг эканини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. ЎзМТДПнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий юксалиши, шу жумладан, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилишга кўмаклашиш сингари қатор мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнларида фаол иштирок этиш лозимлиги таъкидланди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йиғилишда, шунингдек, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ички ишлар органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш лозимлиги ҳақида алоҳида тўхталган эди. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, ниятини қийинлаштирмоқда. "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи бор ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий мақомини ягона ҳужжатда тартибга солади, ички ишлар органларининг ташкилий тузилмаларини, асосий вазифалари, йўналишлари, принциплари ва бошқа жиҳатларини яхлит қонун ҳужжатида белгилаб беради. Бу эса мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.



Йиғилишда таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, келгусида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, барча турдаги мулклар, жамият ва давлат манфаатларини жиноий ва бошқа ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш каби ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади.

Фракция аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган фуқароларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Қонун лойиҳасида белгиланган маҳалла, қишлоқ ва овулларда фуқаролар хавфсизлиги, жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмасини жалб этишга оид янги меъёрларни қўллаб-қувватладилар. Айниқса, ички ишлар органлари фаолиятига фан ютуқлари, илғор технология ва замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, электрон давлат хизматлари кўрсатишни кенгайтиришга қаратилган меъёрлар партия сайловолди Платформасида назарда тутилган вазифаларга тўла мос келади. Шу нуқтаи назардан фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

мутасадди идоралар экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқди ҳамда ҳукуматимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.

— Мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти муайян даражада акс этган йигирмага яқин қонун, 94 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари мавжуд, — **деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Даврон Орипов.** — Мазкур ҳуқуқий базанинг тарқоқлиги, ички ишлар органларининг ҳуқуқий асослари бир бутун тарзда шакллантирилмаганлиги ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш имкони беради. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида иштирок этадиган ҳар бир субъект ваколатларини мустаҳкамлаш масъулиятини кучайтириш, ёш авлод вакилларини ҳар томонлама рағбатлантирадиган қўшимча давлат кафолатларини кенгайтириш, йигит-қизлар ўртасида тадбиркорликни янада ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларга оид белгиланган мақсад-вазифаларга ҳамоҳанг эканини таъкидлаб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. ЎзМТДПнинг ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий юксалиши, шу жумладан, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилишга кўмаклашиш сингари қатор мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнларида фаол иштирок этиш лозимлиги таъкидланди.

Одил ТОЖИЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш авлод вакилларини юрт тақдирини ўз қўлига олишга қодир инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида бугун юртимиз ёшлари турли соҳаларда ўз иқтидорини, истеъдоди-ю маҳоратини намоён қилиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги мавқеини янада юксалтиришга ҳисса қўшиб келмоқда. Таъкидлаш жоиз, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш авлодга таълим-тарбия бериш, соғлом турмуш тарзи учун шарт-шароит яратишга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг қарийб 50 фоиз маблағи сарф қилинмоқда. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни кенгайтириб, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Мустақиллик йилларида яратилган миллий қонунчилигимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалмоқда, қонун устуворлиги, қонунга ҳурмат ва итоат этиш кўникмаси шаклланаётир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш миллий ҳуқуқий тизимнинг асосий мазмуни ва моҳиятига айланмоқда.

Фуқаролар ҳуқуқи кафолати

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун қабул қилиш, унда ушбу органларнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усулларини аниқлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида ишлаб чиқилган "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциялари томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилик базаси ҳар томонлама инвентаризация қилиниб, ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи 94 норматив-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 19 қонун, Президентимизнинг 17 фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 58 меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, соҳада тўпланган бой амалий тажриба чуқур ўрганилди.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Франция, Хитой ва Жанубий Корея каби 30 дан зиёд ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Ўрганишлар ички ишлар органларининг компетенцияси ва фаолияти доираси, тизими ва таркибий тузилмаси, зарур ҳолларда жисмоний куч ва махсус воситалардан фойдаланиш чегараси, ички ишлар ходимларига қўйилган талаблар, ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқий кафолатлар масаласи қонунчиликда комплекс тарзда тартибга солинганлигини кўрсатди. Бундай модель — яхлит қонуннинг мавжуд бўлиши ички ишлар органлари мавқеини мустаҳкамлаш, улар зиммасидаги вазифа ва масъулиятни янада оширишга кўмаклашади.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — ички ишлар органлари фаолиятини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборатдир. Шу боис қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, ваколатлари, иш тамойиллари ва фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган алоҳида моддалар белгиланган. Айни пайтда, шахсларни ҳам ноқонуний ижтимоий хавфли хуружлардан, ҳам ички ишлар ходимларининг хизмат вазифасини бажариш чоғидаги ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш кафолатланмоқда.

Қонун лойиҳасида мамлакат ҳудудида жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартиботни самарали таъминлаш билан боғлиқ, Ўзбекистон Республикаси суверенитетини таъминлашга йўналтирилган концептуал масалалар асос қилиб олинган.

Ички ишлар органларининг ижро ҳокимияти тизимидаги ўрни, уларнинг вазифа ва тамойиллари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, хизматга қабул қилиш ва уни ўташ тартибининг умумий шартлари ва қоидаларини белгилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларига риоя қилишни кафолатлаш, ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, шунингдек фуқаролар томонидан ички ишлар органлари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини қонун асосида мустаҳкамлаш назарда тутилган.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда. Фракциямиз қонун лойиҳасида ички ишлар органларининг асосий қуйи бўғини — таянч пунктларининг маҳалла, қишлоқ ва овулларда фуқаролар хавфсизлиги, жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчилик билан ҳамкорликни "Маҳалла посбони" каби жамоат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари имкониятидан кенг фойдаланишга оид меъёрларни янада кенгайтириш тарафдоридир.

Қонун лойиҳасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий тамойили сифатида умуминсоний ва миллий қадриятларнинг мустаҳкамланганлиги, ички ишлар органларига халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос равишда жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолати, лавозим, мавқеидан қатъий назар — барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилишни амалга ошириши белгиланганлигини қўллаб-қувватлаймиз.

Мухтасар айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши юртимизда тинч ва осуда ҳаётни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, мол-мулкини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чора-тадбирларининг янада самарали бўлишига хизмат қилади.



Акмал РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ташаббус натижа берди

Реклама ва тил қоидалари

ушбу масала ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Амалдаги қонунни ҳаётга кенг татбиқ этиш ва она тилимиз нуфузини мустаҳкамлаш, софлигини сақлашни ўзининг устувор вазифаларидан деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва ундан вакиллик органларига сайланган депутатлар адабий тилдан тўғри фойдаланишни таъминлаш мақсадида тизимли равишда иш олиб бораётгани эътиборга молик. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари Кенгаш сессияларига "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлашга қаратилган ташаббус-масалалар киритиб, бу борада учраётган айрим муаммоларнинг ҳал этилишига ҳисса қўшаётгани халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган она тилимизнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Вилоят ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақидаги"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларида белгиланган талабларнинг ижроси тўғрисида"ги масала доимий комиссия йиғилишида кўриб чиқилган эди. Ушбу масала жорий йилнинг июль ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг XVII сессиясида ҳам атрофлича муҳокама этилди. Унда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров маъруза қилди.

— Мустақиллик йилларида она тилимиз янада бойиб, сайқал топиб, дунё тиллари орасида ўзига хос нуфуз ва ўрнига эга бўлиб бормоқда, — деди Б. Бозоров. — Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида она тилимизнинг эркин қўлланилаётганлиги ҳеч муболағасиз қалбимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бироқ бу борада эътибор қаратишимиз лозим бўлган, барчамизга бевосита дахлдор масалалар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение ва радиода ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши, жамоат жойлари, кўча ва бекатлардаги айрим эълон, ёзув ва жой номларида имловий-орфографик хатоларга йўл қўйилаётгани жиддий мулоҳазага ундайди. Ҳолбуки, телевидение, радио, матбуот нашрлари, кино тилнинг асосий тарғиботчилари саналади. Шунинг учун партия гуруҳимиз бу борада мониторинг ўтказиб, туманлар ва шаҳар кўчаларидаги ташқи реклама ва эълонларни имловий-орфографик хатолар билан ёзиш, айрим матбуот нашрларида эса адабий тил қоидаларига амал қилмаслик ҳолатларини аниқлади. Масалан, Навоий шаҳридаги дўкон пештоқида "тирик балиқ" сўзи "трик балиқ", Нурота туманидаги реклама баннерларининг бирида "дераза" сўзи "дереза", "дарвоза" сўзи эса "дароза" шаклида ёзилган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундан ташқари, бир қатор ҳудудларда яроқсиз реклама баннерлари, уларнинг жойи нотўғри танлангани каби ҳолатларга ҳам дуч келинаётгани ачинарлидир.

Таъкидлаш жоиз, кўчаларда ўрнатилган реклама баннерлари ҳам ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари ҳамда "Реклама тўғрисида"ги қонунга зид бўлмаслиги лозим. "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ташқи рекламани жойлаштириш тартибини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайди. Туман, шаҳар ҳокимликларида реклама-ахборот фаолияти бўйича махсус комиссия ташкил этилган. Партия гуруҳи ва фаоллари вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунлари ижросини таъминлаш масалалари бўйича вилоят комиссияси билан биргаликда барча ҳудуддаги кўчалар, майдонлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, оромгоҳлар, савдо масканларида, умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш жойларида ўрнатилган ёзувлар, лавҳалар, эълонлар ва реклама маҳсулотларини "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунлар талабларига мос бўлишини таъминлашга қўмаклашаётир.

Сессия билдирилган мулоҳазалар, мутахассисларнинг таклиф-тавсиялари асосида қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, вилоят ҳокими ўринбосари зиммасига халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, соҳа мутахассислари ҳамда масъул идоралар вакилларидан иборат жамоатчилик гуруҳи тузиш юкланди. Ҳудудлардаги бино-иншоотлар, савдо, умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ташқи томони, атрофига жойлаштирилган реклама, эълонларнинг ташқи дизайни, ҳажми ўрганилиб, уларнинг ўзбек адабий тили меъёрларига мос келиши, биноларга ўрнатилган реклама ва эълонларнинг қонун талабларига жавоб беришига эришиш, имловий хатолар билан ёзилган ёзувлар, тарғибот воситалари, иккиламчи маъноли сўзлар, миллий менталитетимиз ва маънавиятимизга тўғри келмайдиган суратларни жойлаштиришнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур гуруҳ аъзоларининг вазифаси этиб белгиланди. Ташқи ёзувлар, пешлавҳалар, реклама ва баннерлар тайёрланишидан аввал республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари тасдиғидан ўтказилишига эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Нуриддин РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Тилимизни асраш, ривожлантириш — миллатнинг юксалиши демак. ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессияга киритилган ушбу масала партиямизнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги дастурий мақсад-вазифалари рўёбида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида давлат тилини янада бойитиш ва такомиллаштириш, тил маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларининг бузилишини олдини олишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни амалга ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда, муассасалар, ташкилотлар, кенг жамоатчилик орасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бормоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — она тилимиз софлигига эришишга кўмаклашишдан иборат. Зеро, она тилимизни қадрлаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний зийнатимиз, фуқаролик бурчимиздир.

Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Форум

Мустақиллик ва миллий тикланиш

ғояси кенг тарғиб қилинмоқда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Давлатимиз раҳбарининг "Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди" китоби истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтгани, тарихан қисқа даврда барча вилоятларда буюк ўзгаришлар содир бўлганини чуқур англашга хизмат қилади, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Мамлакатимизнинг барча ҳудуди сингари Сурхондарё вилоятида ҳам улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бермоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётир. Бир вақтлар фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирган бу вилоятда бугун саноат, кичик бизнес, маданият, туризм ва бошқа соҳалар жадал ривожланмоқда.



Мазкур рисолада теран фикр-мулоҳаза ва хулосалар асосида баён қилинган мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётига оид мақсад ва вазифалар барчага, хусусан, жануб гавҳари бўлган вилоят ёшларига катта масъулият юклайди.

Айни пайтда юртимизда истиқлол айёмига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мустақиллик биз учун, айниқса, аждодларимизнинг асрий орзуси ушалган, орзу умидларимизга қанот бахш этган, келажакка ишончимизни мустаҳкамлаган кун сифатида қадрлидир. Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, элу юртга содиқ, бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган янги авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис бугун ўзбек ёшлари барча соҳада ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиб, кимларнинг авлоди ва нималарга қодир эканини амалда исботлаётир. Зотан, бундай шароит ва имкониятлар юртида бошқача бўлиши мумкин эмас. Асосий мақсадимиз — шу юртга камарбаста фарзандларни камолга етказиш, мутақилликни янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Форум доирасида Термиз шаҳридаги Хотира майдонида ёшларнинг кекса авлод вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ҳушёрлик ва огоҳликни янада кучайтириш, кенг жамоатчилик билан баҳамжиҳат иш олиб бориш, ёшларда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш, навқирон авлоднинг маънавий оламини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

— Дунёда глобаллашув жараёнлари кучайган, ниҳоятда тезкор бугунги замонда ер юзида тинчликни асраш, барқарор ривожланишни таъминлаш инсоният олдидаги энг муҳим вазифа бўлиб турибди, — деди партия Марказий кенгаши раисининг хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Зеро, тинчлик-осойишталик йўқ жойда фаровон турмуш, тараққиёт ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди. Буни дунёнинг турли минтақаларидаги нотинч вазият кўрсатиб турибди. Шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Халқимиз бугунидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин обод бўлиб бораётир. Ана шу ободликни кўрганимизда "кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган савол кўнглимиздан ўтади. Ва бундай фаровон кунларга етказгани учун шукрона келтирамиз. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Бу кунларга осонликча эришилмаганини бир лаҳза бўлсин унутмаслигимиз, тинчликнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини англамоғимиз лозим.

Форум доирасида ташкил этилган ёш мусаввирларнинг ижодий ишлари, ҳунарманд ва тадбиркорлар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмалари, қураш мусобақаси ва миллий халқ ўйинлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

* * *

"Мустақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" мавзусидаги форум ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашида ҳам бўлиб ўтди. Иштирокчилар дастлаб мустақиллик йилларида қайта тикланиб, ободонлаштирилган Хўжа Дониёр мақбарасида бўлди, Улуғбек расадхонаси, Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейига саёҳат қилди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларининг дастлабки йилларидан Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни обод этишга киришилди. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуи, Бибихоним масжиди, Руҳобод мақбараси, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ва яна кўплаб обидаларнинг обод этилиши ҳам халқимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, буюк аждодларимиз номини улуғлаш, тарихини ўрганиш ва миллий ўзликни англашда муҳим омил бўлаётир.

— Мустақиллик, аввало, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш имконини яратган улуғ неъматдир — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Марҳабо Ғафурова. — Мустақиллик ва миллий тикланиш ғоялари ўзаро ҳамоҳанг ва уйғундир. Зеро, партия сайловолди Платформасида биз кимниз, аждодларимиз ким эди, миллатимиз қандай фазилатларга таянib, юксак марраларга эришди ва оламшумул шуҳрат қозонди, деган саволларга жавоб топиш орқали ёш авлод онгида миллий ўзликни англаш, бой тарихимиз, ўтмишимиздан фахрланиш, шу билан бирга буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш туйғусини такомиллаштириш вазифаси белгиланган. Бундай тадбирлар маррани баланд олиб яшаётган ёшларда бугунимиз кечагидан обод, эртамиз бугунимиздан-да фаровон бўлишига ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Форумда фаол иштирок этган ёшлар партия вилоят кенгаши томонидан тақдирланди. ЎзМТДП ғояларига хайрихоҳ 25 нафар истиқлол тенгдоши партия сафига қабул қилинди.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби
Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ким эдигу ким бўлдик?

Халқимиз тарихида мутлақо янги давлат ва жамият барпо этиш йўлини очиб берган, аждодларимизнинг асрий орзусини рўёбга чиқарган, энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш каби олий мақсадни инъом этган мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини кенг нишонлашга саноқли кунлар қолмоқда.

Истиқлол халқимиз фаровонлиги кафолатидир

Истиқлол қадри, мазмун-моҳияти ва аҳамияти, айниқса, қисқа муддат ичида эришилган оламшумул натижаларимиз, одамлар онги ва турмуш тарзи юксалишида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Мустақиллик арафаси ва илк даврида мамлакатимизда қандай кескин ижтимоий-иқтисодий вазият ва муаммолар вужудга келганини барчамиз яхши биламиз. Катта авлод вакиллари мустабид тузумнинг сўнгги йилларида юз берган молиявий-иқтисодий инқирозга бевосита гувоҳ бўлган. Республика иқтисодиёти, маданияти, қўйингки, барча соҳа таназзулга юз тутган эди. Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарида ҳам ана шу жиҳатлар асосли таҳлиллар орқали ўз аксини топган.



Масалан, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 9 миллион киши, яъни мамлакат аҳолисининг 45 фоизи олаётган даромад кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражани ҳам таъминлай олмас эди. Халқимиз асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан ҳам собиқ иттифоқда энг охирги ўринлардан бирида турган. Юртдошларимиз ўрта ҳисобда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум ва бошқа маҳсулотларни бошқаларга нисбатан икки баробар кам истеъмол қилган. Ижтимоий соҳадаги таназзулни эса биргина мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилгани мисолида айтиш кифоя. Жорий йилнинг 22 июнь куни Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар ва сенаторлар билан бўлиб ўтган учрашувда қайд этганидек, биздан олинаётган пахта, олтин ва бошқа хом ашё маҳсулотлари қанчага сотилаётгани, қанча даромад кўрилаётганини мутлақо билмас эдик.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида Давлат бюджети тақчиллиги 60-65 фоизни ташкил этарди. Ўша даврларда юртдошларимиз яқин келажакда халқимизнинг моддий фаровонлиги муттасил ошиб, ёшларга, пенсионерларга ғамхўрлик кўрсатиш бугунгидек даражага етишини ҳатто тасаввур ҳам қила олган эмас. Вақти келиб шундай дориломон кунларга эришишимизга ҳеч кимни ишонтириб бўлмасди.

Ана шундай мураккаб вазиятга қарамай бугунги фаровон кунлар, йил сайин ривожланиб бораётган иқтисодиётимизнинг муҳим стратегия ва йўналишларини давлатимиз раҳбари бундан чорак аср муқаддам белгилаб берган эътиборга молик. Биргина мисол: давлатимиз раҳбари 1990 йилнинг июнь ойидаги **"Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан"** маърузасида **"Бу муаммоларни ҳал этишнинг бош йўли — халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиришдир. Хом ашё ресурсларини асосан республика ҳудудида қайта ишлашга эришмоқ керак... Биз бутун иқтисодиётга ижтимоий йўналиш бахш этишни, уни инсонга, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга қаратишни ўзимизнинг асосий вазифамиз деб биламиз"**, дея таъкидлаган эди. Бугун, яъни орадан чорак аср ўтиб, ҳаммамиз ана шу вазифаларнинг рўёбига гувоҳ бўлиб турибмиз. Дунёда "ўзбек модели" дея тан олинган тараққиёт стратегияси биз танлаган, ўзимизга хос ва мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ишончли эканини яққол тасдиқлади. Бугунги изчил ислоҳотлар, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришлар самарасида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 30 фоиздан ортди. Саноат маҳсулотларининг 78 фоизи юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқараётган қайта ишлаш тармоқларига тўғри келмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ялпи саноат ҳажмидаги улуши 35,5 фоизга етди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг мазкур товарларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш имконини бермоқда. Уларнинг рақобатбардошлиги нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ортиб бораётир. Айниқса, умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан ошадиган Устюрт газ-кимё мажмуаси дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан бири бўлди. Биргина ана шу лойиҳанинг ўзи айрим давлатларнинг бир йиллик давлат бюджети билан баробардир.

Бугун жами экспортнинг 70 фоиздан ортиғини тайёр маҳсулот ва товарлар ташкил этмоқда. Масалан, 90-йилларда пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш атиги 7 фоизни ташкил этган бўлса, бугун 35 фоизга етди. Ёхуд соҳа маҳсулотлари экспорти ўша пайтлар 7 миллион долларни ташкил этган бўлса, бугун 1 миллиард долдан ортди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани бежиз эмас. Эришилган бундай марра ва ютуқларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар муҳим асос бўлмоқда.

Истиқлол одамлар ҳаёти ва дунёқарашини ўзгартириб юборди, ҳатто олис қишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш даражаси шаҳар шароитидан кам бўлмаган тарзда юксалаётир. Истиқлол шарофати билан ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, меҳнаткаш деҳқоннинг бири икки бўлди. Бугун улар нафақат маҳсулот етиштиради, балки уни хорижга экспорт қилиш имконига ҳам эга. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда асосан импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётир. Мана шу қисқа давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4, сут ва сут маҳсулотлари 1,5, картошка 1,9, сабзавот 2,6 баробар ортди. Ўтган йили 2000 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Бу эса аҳоли жон бошига халқаро меъёрларга кўра мақбул деб ҳисобланади-ган истеъмол меъёридан бугун 3 баробар кўп.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлди. Бу эътирофга дунёда атиги 14 давлат муносиб кўрилгани, уларнинг бири жонажон Ўзбекистонимиз экани қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий соҳани ривожантириш борасида олиб борилаётган ишлар халқимиз турмуши фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни Давлат бюджети харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлигида ҳам яққол кўриш мумкин. Биргина таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этаётир. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар ортиқ.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётгани, ҳар йили 13 мингдан ортиқ намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар фойдаланишга топширилаётгани, мустақиллик йилларида 1500 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилганининг ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги аҳамияти беқиёс.

Бир сўз билан айтганда, тарихан қисқа даврда мамлакатимизда юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи оламшумул ишлар амалга оширилди. Бу борадаги ишларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам фаол иштирок этишга интилаётгани эътиборга молик. Партия фаоллари ҳамда депутатлик бирлашмалари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш баробарида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда.

Президентимиз эътироф этганидек, бундай ютуқ ва муваффақиятларнинг асосий омили — бунёдкор ва меҳнаткаш халқимиз, унинг меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганидир. Энг муҳими, буларнинг барчаси мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришдек олий мақсадимиз учун пойдевор вазифасини ўтамоқда.



Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ҳамкорлик

Жаҳонни забт этаётган ўзбек кураши

ЎзМТДП ва Кураш халқаро ассоциацияси ўртасида меморандум имзоланади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Кураш халқаро ассоциацияси вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда миллий спорт тури — курашни ўзаро ҳамкорликда янада ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадида Халқаро олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар томонлама мустаҳкамлаш масаласи устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу боис ЎзМТДП миллий курашни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, курашчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мазкур спорт тури билан шуғулланувчилар сафини кенгайтириш, кураш билан шуғулланиш учун ёшларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор тадбир, давра суҳбати ҳамда мусобақалар ўтказиб келмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси вакиллари билан учрашув бу борада амалга оширилаётган ишларнинг узвийлигини таъминлаш ва янги босқичга кўтаришга қаратилди.

Учрашувда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев мамлакатимизда истиқлол йилларида курашни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталди.

— Президентимиз раҳнамолигида миллий анъаналаримизни қадрлаш ва рағбатлантириш, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссасини намойиш этишнинг муҳим омилларидан бири сифатида ўзбек кураши тобора равнақ топиб бормоқда, — деди Ж.Сафоев. — Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йилдаги "Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони миллий курашни янада ривожлантириш, уни жаҳон миқёсида оммалаштиришга замин яратди. Мусобақаларда дунёнинг барча қитъасидан номдор полвонлар ўзбекона камтарлик ва мардонаворлик билан таъзим қилиб, гиламга чиқмоқда. Бу борада партиямиз ўзбек курашининг халқаро миқёсдаги нуфузини янада ошириш ва мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Учрашувда Кураш халқаро ассоциацияси фахрий вице-президенти Комилжон Юсупов Ассоциация фаолияти, миллий кураш нуфузини ошириш, уни оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишларга батафсил тўхталди.

— Истиқлол йилларида курашни кенг оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг тарғиб этилди. Натижада, жаҳон ҳамжамияти 1998 йилнинг 6 сентябрида ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига асос солинди. Бугун сайёрамизнинг беш қитъасида кураш конфедерациялари, 130 дан ортиқ мамлакатда кураш федерациялари фаолият олиб бормоқда. Жаҳон ареналарида "ҳалол", "чала", "ёнбош", "ғирром", "дакки" каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётир, — деди К.Юсупов.

Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан ота-боболаримизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди, милий спорт тури — ўзбек кураши дунё миқёсида оммалашмоқда. Кураш ўз ҳалоллиги ва инсонпарварлик тамойиллари билан умумбашарият мулкига айланди. Учрашувда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бўлим бошлиғи Нуриддин Муҳиддинов, Белбоғли кураш федерацияси раиси Равшан Дастиров ва халқаро тоифадаги ҳакам Аъзамжон Шукуров ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашув сўнггида миллий спорт тури — ўзбек курашини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш ҳамда халқаро нуфузини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Кураш халқаро ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандумини тузишга келишиб олинди.

Жамшид НАМОЗОВ,
Кураш халқаро ассоциацияси бўлим мудири:

— Ўзбек кураши йил сайин жаҳон миқёсида оммалашиб бормоқда. 2007-2008 йилларда Макао ва Вьетнамда ўтган ёпиқ иншоотлардаги II ва III Осиё ўйинлари ҳамда 2009 йили Таиланддаги жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида кураш мусобақалари ўтказилди. Бундан ташқари, 2013 йили Жанубий Кореяда ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари ҳамда 2014 йили Таиландда ўтган Осиё соҳил ўйинларида ҳам миллий курашимиз бўйича мусобақалар ташкил этилди.

2015 йилнинг сентябрь ойида Осиё Олимпия кенгашининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган Бош ассамблеяси қарори билан кураш 2018 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Энди кураш бир йўла уч нуфузли мусобақа — 2016 йили Вьетнамда ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинлари ҳамда 2018 йили Индонезия мезбонлик қиладиган ёзги Осиё ўйинлари дастуридан жой олди. Бугунги учрашувда муҳокама этилган масалалар, ЎзМТДП билан имзоланиши режалаштирилган меморандум фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ахборот хизмати

MILLIY TIKLANISH
31 (403) 2016 йил 10 август, чоршанба

Саломатлик

Тўғри овқатланиш

соғлом турмуш тарзининг муҳим омили

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори тўғри овқатланиш, инсон саломатлигини тиклаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори **Гули ШАЙХОВА** билан тўғри овқатланишнинг инсон саломатлигида тутган ўрни, миллий қадриятлар ва замонавий тамойиллар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида суҳбатлашдик.

— Тўғри овқатланиш — организм ўсиши, меъёрий ривожланиши ва ҳаёт кечириш, саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширувчи муҳим омил саналади. Оилада тўғри овқатланиш тартибига амал қилиш, энг аввало, болаларнинг меъёрида ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, ўрта ёшли ва кекса кишиларда умрнинг узайиши, иш қобилияти ошишига кўмаклашади, уларнинг атроф-муҳитга мослашиши учун шароит яратади. Тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино ҳам айни шу масалага алоҳида эътибор қаратган. Аллома бобомиз парҳезни тансиҳатликнинг асосий омили, деб билган. Дарҳақиқат, камҳаракат, меъёридан ортиқ таом истеъмол қилиш, пала-партиш овқатланиш кўплаб тиббий-ижтимоий муаммоларга сабаб бўлаётир. Бунинг олдини олиш, ўз навбатида, тиббий профилактика хизматини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда ушбу соҳадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий механизми яратилган. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базаси такомиллашаётгани диагностика ва даволаш ишлари самарадорлигини ошириш, тиббий-профилактика хизматини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, халқимизни юртимизда етиштирилган экологик соф, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

— Рационал овқатланиш дейилганда, кўпчилик асосан юқори калорияли таомларни назарда тутади. Сиз мутахассис сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Бу мутлақо хато фикр. Қаттиқ



ёки ўта ёғли овқатлар кўплаб сурункали касалликлар (семириш, қандли диабет, юрак қон томир ва меъда-ичак касалликлари, артериал босимнинг ортиши, инсульт)ни вужудга келтириб, меҳнат фаолияти сусайишига олиб келиши мумкин. Яхши кўрган таомларнинг ортиқча истеъмол қилишниши оқсил, углевод ва ёғлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, витаминлар, макро ва микро элементлар етишмаслиги, сабзавот, мева ва сутли маҳсулотлардан етарлича фойдаланмасликка сабаб бўлади.

Овқат инсон организмини мўътадил даражада ушлаб турувчи асосий манба саналади. Модомики шундай экан, биз ана шу манбадан тартибли, илмий хулосаларга асосланган ҳолда фойдаланишимиз керак. Бу, айниқса, ёшлар учун жуда муҳимдир. Овқатланиш тартиби маълум давомийлик ва интервалга эга бўлиши, нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқатни ўз вақтида тановул қилиш керак. Тўғри овқатланиш тартиби одамнинг ёши, жинси, тана оғирлиги, машғулотларнинг тури, индивидуал саломатлик ҳолатига мувофиқ ҳолда бир кеча-кундузлик энергия сарфини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

— Тўғри овқатланишнинг яна қандай шартлари бор? Кундалик овқатланишда мева-сабзавотлар, одатда, қанчани ташкил этиши керак?

— Витаминларга бой озиқ-овқат истеъмол қилмаслик оқибатида турли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, камқонликка чалинишнинг олдини олиш учун бойитилган нон, темир моддасига бой маҳсулотларни истеъмол қилиш зарур. Ловия, мош, маккажўхори, кўкатлар, янги узилган мева-сабзавотлар, сут ва гўшт маҳсулотлари ана шулар жумласидандир. Гўдаклар таомномасига эса гречка, буғдой, жавдар бўтқасини киритиш мумкин. Улардаги витамин, дармондори ҳамда тўйинмаган ёғ кислотаси ҳимоя кучини мустаҳкамлайди.

Болаларнинг соғлом ўсишида витаминлар жуда зарур. Ҳайвон ёғлари таркибида шундай моддалар мавжудки, улар болалар ва катталар учун ҳам фойдали. Балиқ ёғи, тухум ва сут маҳсулотлари таркибидаги А витамини инфекцияларга қарши фаол кураша олади. Каротин витамини ўсимлик таркибида, сабзавотларда ҳам учрайди. Каротин ёғда жуда яхши эрийди, кўриш органлари билан боғлиқ касалликларни даволашга ёрдам беради. Тери ва сочни соғлом, гўзал ҳолда сақлайди. Боланинг бўйи ўсишида ёрдам беради, суякларни мустаҳкамлайди, тиш ва милкларни соғломлаштиради.

Меваларни истеъмол қилишнинг ҳам ўз ўрни, қонун-қоидаси бор. Масалан, кўпчилик олманинг қип-қизил ёхуд сап-сариқ бўлиб, ғарқ пишганини хуш кўради. Аммо тиббий нуқтаи-назардан қараганда кўм-кўк ва нордон олма шифобахш саналади. Чунки кўк олма таркибида пектин мўл, қанд моддаси кам. Истеъмол қилинган кўк олма таркибидаги пектин моддаси ошқозон-ичак тизимидаги холестеринни 10-15 фоизга камайтира олади. Бу жараён қонга сўрилгач яна давом этади. Натижада, юрак-қон томир ҳамда бошқа тизимлардаги хасталикларнинг урчишига йўл қўймайди.

— Ўзбек хонадонида овқатланишда, айниқса, дастурхон бошида ўзига хос йўриқ ва одатлар бор...

— Дарҳақиқат, ўзбек оиласида барчанинг дастурхон атрофида жамулжам бўлиб овқатланиши бебаҳо қадрият саналади. Таомга энг аввал ёши улуғ инсон қўл узатади. Бу жараёнда ёшларимиз меъёрида таом истеъмол қилиш, нафсни тийиш билан боғлиқ маънавий тарбия олади. Айниқса, хонадоннинг ёш бекалари ёши катталардан кўп нарса ўрганса арзийди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қабул қилган тўғри овқатланишнинг ўн икки тамойилида айни шу жиҳатлар ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Тўғри овқатланиш, саломатликка эътибор бериш, энг аввало, инсоннинг тиббий маданиятига боғлиқ. Шу боис аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш — долзарб вазифага айланган. Айни пайтда шу мақсадда — диетолог мутахассислар тайёрлаш, услубий дастур ва қўлланмаларни замон талабига мос янгилаш ва такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

"Milliy tiklanish" мухбири Дилфуза РЎЗИЕВА суҳбатлашди

Миллий ғурур

Ёшлар интеллектуал салоҳиятини намоён этди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бундан чорак аср олдин бундай халқаро беллашувларда муваффақият қозонган фаол, изланувчан ўғил-қизлар бармоқ билан санарли даражада бўлган бўлса, бугун ёшларимиз барча соҳада илгарилаб кетганининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг қўлга киритган ютуқлари, амалга ошираётган ишлари ҳар қандай кишида фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Шу йилнинг 23 июлидан 1 августига қадар Тбилиси шаҳрида кимё фани бўйича ўтказилган 48-Бутунжаҳон олимпиадасида ёшларимизнинг муваффақиятли иштироки бунинг ёрқин далилидир. Мазкур интеллектуал мусобақада ўттизга яқин давлатдан олти юздан ортиқ ўқувчи қатнашди. Талаб ҳам, рақобат ҳам жуда кучли бундай беллашувга мамлакатимиз ёшлари ҳам қизғин тайёргарлик кўрди.

Натижада Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиси Сарвар Шоюнусов кумуш, Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Жаҳонгир Фахриев ва Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Чарос Омонова бронза медалларини қўлга киритди. Улар жорий йилнинг май ойида Россияда ўтказилган кимё фани бўйича 50-халқаро Менделеев олимпиадасида ҳам совриндорлар сафидан жой олган эди.

Мазкур интеллектуал беллашув ҳам ёшларимиз учун ҳақиқий синов бўлди.

— Ҳар бир ғалабамиз Ўзбекистонимизнинг, бутун халқимизнинг ютуғи эканини ўйлаб фахр-ифтихорга тўламан, — дейди халқаро мусобақа совриндори Сарвар Шоюнусов. — Бу, озод ва обод Ватанда, истиқлолнинг чексиз имкониятларидан баҳраманд бўлиб вояга етаётганимизнинг ифодаси. Ана шундай беқиёс имкониятлардан самарали фойдаланиш бизнинг ҳам бурчимиз, ҳам вазифамиздир. Ўзбекистондек бой маънавий меросга эга, жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир аждодларимизга бешик бўлган, фарзандлари меҳр ва ардоқдаги табаррук диёрнинг фарзанди эканимдан ғоят фахрланаман. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик улкан тўйига тайёргарлик ишлари қизғин кетаётган шу кунларда бундай ютуққа эришганимиз янада қувончлидир. Зеро, эркин ва озод ҳаётимиз, онгу тафаккуримизда кечаётган ижобий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз энг улуғ, энг азиз неъмат – мустақиллик туфайлидир.

Ўтган йили Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида кимё фани бўйича бўлиб ўтган 49-халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медалга сазовор бўлган эдим. Бу йил эса иккита кумуш. Эндиги навбат — олтин медалга. Шундай экан, келгусида мақсадни янада аниқ қўйиб, бундан-да баланд марралар сари интиламан...

Дарҳақиқат, бундай ютуқлар замирида мамлакатимизда таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари мужассам. Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ҳам мустақиллик йилларида тубдан янгиланди. Ўқув корпуслари, спорт иншоотлари ва бошқа зарур бинолар қурилиб, жаҳон стандартларига мос жиҳозланди. Таълим муассасасида бир миллион нусхага яқин китоб фондига эга замонавий ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда Интернетдан фойдаланиш, ZiyoNET тармоғи орқали керакли маълумотларни олиш учун барча шароит мавжуд.

Академик лицейда ўқувчиларни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, жисмонан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ўқув жараёнининг узвий қисмини ташкил этади.

— Сўнгги етти йил давомида ўқувчиларимиз кимё фанидан турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, бешта олтин, ўнта кумуш ва ўн олтита бронза медалга сазовор бўлди, — дейди академик лицей директори Ортиқбой Эшонқулов. — Ўқув жараёнида иқтидорли ўқувчиларнинг таълим олишига алоҳида ёндашамиз. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида фаолият олиб бораётганимиз ўқувчиларнинг билимини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Бу жиҳатлар Сарвар Шоюнусов сингари кўплаб ёшларнинг таълим олиши, истеъдодини юзага чиқаришда ҳам ўз ифодасини топаётир. Бу соғлом авлод орзусини рўёбга чиқариш, юртимизнинг келгуси тараққиёт босқичларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

Болалар оромгоҳларида

Таътил сурури

Истиқлол шарофати билан ёш авлоднинг баркамол улғайиши учун яратилган барча шароит ва имконият ёшларда ватанпарварлик туйғусини юксалтириб, эртанги кунга ишончни мустаҳкамламоқда.

Бу жараёнда болалар дам олиш оромгоҳларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Жорий мавсумда Жиззах вилоятида шаҳар ташқарисидаги 14 стационар оромгоҳда 4, 3 минг, 60 кундузги оромгоҳда 5 мингдан зиёд бола соғломлаштирилмоқда. Юртимизда давом этаётган ёз фаслининг ҳар бир куни болажонлар учун таассуротларга бой ўтмоқда. Сўлим ва ҳавоси тоза гўшаларда сайр қилиш, турли тадбир ва кўнгилочар ўйинлар ташкил этиш, саёҳатлар уюштириш, жисмоний тарбия ва спорт мусобақалари уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

Зиёкор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 11-умумтаълим мактаби қошидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам дам олувчиларнинг ҳар бир куни сермазмун ўтмоқда. Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган 100 болажоннинг шўх-шодон қийқириғи ва ўйинкулгилари бир дам ҳам тинмайди.

Тарбияланувчилар учун анъанавий ўйинлардан ташқари "Тортишмачоқ", "Елкада кураш", "Ким чаққон?" каби миллий ўйинлар, спорт мусобақаларини ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган. Ташкиллаштирилаётган турли тадбирлар, саҳна кўринишлари, қўшиқайтиш ва рақсга тушиш танловлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Оромгоҳнинг "Булбулча" ва "Бойчечак" гуруҳларида эса қўли гул қизлар тиккан буюмларда кўзни қамаштирувчи ипаклар жилоси ва ранглар уйғунлашуви кишини ўзига мафтун этмай қўймайди.



"Соғлом турмуш тарзи" шиори остидаги семинар-тренинг машғулотлари, "Соғ танда — соғлом ақл" тадбирлари болаларни соғлом ва иродали бўлишга ўргатмоқда.

— Болажонларнинг бўш вақтларини янада мазмунли ташкил этиш мақсадида тасвирий санъат, рақс, бичиш-тикиш, ўлкашунослик каби тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди оромгоҳ тарбиячиси Фотима Сатторова. — Айниқса, қувноқ қўшиқлар, қизиқарли ўйинларга бой тарзда ўтказилаётган инглиз тили сабоқлари болажонларда катта таассурот қолдирмоқда. Ўғил-қизларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларига муносиб шарт-шароит яратиш, кун тартибидаги ҳар бир тадбирни болалар дунёқарашини бойитадиган, ижодий қобилиятини ривожлантирадиган даражада ташкиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ўтказилаётган спорт мусобақалари ва миллий халқ ўйинлари эса оромгоҳ иштирокчиларининг нафақат маънан, балки жисмонан етук ва соғлом бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Халқимизда "Яхши дам, меҳнатга ҳамдам" деган мақол бор. Ўқувчиларнинг ёзги таътили тўғри ташкил этилиши улар янги ўқув йилида янада янги муваффақиятларга эришишига ёрдам беради. Зеро, барча эзгу саъй-ҳаракатлар замирида ҳам фарзандларимизни соғлом, ақлли, она-Ватанга фидойи инсонлар этиб камол топтиришдек улуғвор мақсад мужассам.

Хосият ЖЎРАЕВА, Жиззах тумани Зиёкор фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Шалола" соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари

Хайрия тадбири

Юрагида туғма нуқсони бўлган 4 нафар бола Корея Республикасида даволаниб қайтди

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди хайрия тадбири доирасида Корея Республикасининг "Junior Chamber International – JCI" халқаро ёшлар ташкилоти молиявий кўмагида юрагида туғма нуқсони бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларнинг Жанубий Кореядаги етакчи клиникалардан бирида даволанишини ташкил этди.

Баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. "Соғлом авлод учун" фонди ҳам ушбу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фонд ўз фаолияти давомида ўзбекистонлик болаларни мамлакатимиз ва хориждаги энг яхши клиникаларда соғломлаштиришга доир турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, "Junior Chamber International – JCI" халқаро ёшлар ташкилоти билан ҳамкорлик самарасида 2008-2015 йилларда Жанубий Корея мутахассислари Ча университети қошидаги "Пундан Ча" госпиталида юртимиздан 56 болани операция қилди.

Яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида юрагида туғма нуқсони бўлган 25 бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 4 нафари Ча университети қошидаги "Пундан Ча" госпиталига даволаниш учун юборилди.

– Фарзандларимиз саломатлиги давлатимизнинг доимий эътиборида эканига бугун яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, – дейди Жиззах вилоятининг Зомин туманидан Ш.Норқулова. – Ўғлим Сардорбек ҳам бошқа болалар қатори яхши кайфиятда қайтди. Шифокорлар яқин вақт ичида улар жисмоний машқлар билан ҳам шуғулланиши мумкинлигини айтишди. Фарзандларимизга шундай ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ, ЎзА

МММда

Мактаб ярмаркалари

ўқув дафтарлари билан тўлиқ таъминланди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги мамлакатимиз истеъмол бозорини мактаб анжомлари билан таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда мустақиллик шарофати билан матбаачилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бунинг натижасида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ошиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябригача республикамизнинг барча ҳудудида мактаб ярмаркалари ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мактаб ярмаркалари учун 37,3 миллион дона ўқув дафтари етказиб бериш режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги "Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ўқувчи-ёшларга мўлжалланган матбаа маҳсулотларининг сифати, экологик талаб ва меъёрларга жавоб бериши, миллий маънавиятимизга мослиги таъминланишида муҳим асос бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналар ҳамда хусусий ишлаб чиқарувчилар томонидан жами 44,4 миллион дона ўқув дафтари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари яна 15,5 миллион, жумладан, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси 3 миллион донадан зиёд ўқув дафтари ишлаб чиқариши мўлжалланмоқда.

Айни пайтда республикамизда дафтар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 20 дан ортиқ матбаа корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Дафтарларни ишлаб чиқариш ва миллий маънавиятимизга мос келадиган суратлар билан безатилишини таъминлаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида доимий ишчи гуруҳ тузилган.

Анжуманда журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Т. АЪЗАМОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Португалия парламенти

унда тўрт йил муддатга сайланадиган камида 180, кўпи билан 230 депутат фаолият юритади



Португалия Республикаси Европанинг жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган. Атлантика океанидаги Азор ороллари ва Мадейра архипелагини ўз ичига олади. Майдони — 92,3 минг квадрат километр. Аҳолиси — 10 миллион. Пойтахти — Лиссабон шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 2 мухтор вилоят, 22 округ (distrito)га бўлинган, шундан 18 таси материкда жойлашган бўлиб, 11 тарихий вилоятга бирлашган. Амалдаги Конституцияси 1976 йилнинг 25 апрелида кучга кирган. Унга 1982-2005 йиллар оралиғида етти марта ўзгартириш киритилган. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Республика Мажлиси (бир палатали парламент), ижро ҳокимиятини Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади. 1986 йилнинг 1 январидан Европа Иттифоқининг аъзоси. Пул бирлиги — евро.

Мамлакат сайлов қонунчилигига мувофиқ, парламентга партия рўйхати асосида умумий, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан тўрт йил муддатга сайланади. Камида 180, кўпи билан 230 депутат фаолият олиб боради. Бир пайтлар парламентга 250 депутат сайланган. 1989 йилда конституциявий ислоҳотлар ўтказилганидан сўнг, парламентда камида 180, кўпи билан 230 депутат фаолият олиб бориши белгиланди. Депутатлар 22 сайлов округидан сайланади. 18 округ мамлакатнинг материкдаги ҳудудида, қолгани эса қитъадан ташқаридаги ороллардa жойлашган. 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга.

Сайловда номзодларни сиёсий партиялар ёки бир неча партиядан таркиб топган коалициялар илгари суради. Сиёсий партия аъзоси бўлмаган фуқаро ҳам сайловда номзод сифатида иштирок этиши мумкин. Фуқаро ўз номзодини фақат бир округдан кўрсата олади.

Янги сайланган депутатлар парламентнинг илк мажлисидан кейин ўз ваколатларини бажаришга киришади, аввал сайланган вакиллар эса ўз ваколатини зиммасидан соқит қилади. Депутатлар ваколатини эркин амалга ошириши учун уларга барча шарт-шароит, хусусан, сайловчилар билан мунтазам алоқада бўлиш имконияти яратилади. Депутатлар Конституцияга ўзгартиш киритиш борасидаги қонун лойиҳасини илгари суриш, регламентга мувофиқ парламент мажлисларида иштирок этиш, ҳукуматга бевосита унинг фаолияти ёки давлат маъмуриятига доир масалалар юзасидан сўров юбориш, уларга белгиланган муддатда жавоб олиш, ижро ҳокимиятит ёки ҳар қандай давлат ташкилотидан ўз фаолияти учун зарур бўлган расмий ахборотларни олиш, тафтиш комиссиясини тузиш ташаббусини илгари суриш ҳуқуқига эга. Хорижий давлатларга расмий сафар чоғида депутатларга махсус паспорт тақдим этилади, қонунда назарда тутилган тартибда мукофотлар билан тақдирланади.

Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Улар парламент мажлисларида илгари сурган фикрлари, берган овозлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Депутатлар Республика Мажлисининг розилигисиз суд олдида жавоб бермайди. Уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинишга асос бўлувчи жиноят содир этган ҳамда жиноят жойида қўлга олинган ҳолатларни ҳисобга олмаганда ҳеч бир депутат парламент рухсатисиз ҳибсга олиниши мумкин эмас.

Республика Мажлиси ўз регламентини қабул қилади, доимий ва бошқа комиссияларни тузади. Ўз таркибидан парламент раиси ва унинг тўрт ўринбосарини сайлайди. Парламент таътилга чиққан, тарқатиб юборилган ёки бошқа ҳолатларда унинг ваколатини доимий комиссия бажариб туради. Парламент раиси бир пайтнинг ўзида доимий комиссияга ҳам раҳбарлик қилади. Комиссия раис ўринбосарлари ҳамда депутатлардан таркиб топади. Доимий комиссия Конституция ва қонунлар ижроси ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, зарурат туғилганида парламент мажлисини чақириш, унинг очилишига тайёргарлик кўриш каби вазифаларни амалга оширади. Партиялар ёки партия блокидан сайланган депутатлар парламент гуруҳларига бирлашиши мумкин. Президент ўз ваколатини амалга ошира олмай қолганида парламент раиси унинг вазифасини вақтинча бажариб туради.

Парламент Асосий қонунга ўзгартиш киритиш, қонунлар қабул қилиш, мухтор вилоятларнинг маъмурий-сиёсий мақомини белгилаш, амнистия эълон қилиш, ҳукумат таклифи билан давлат бюджетини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, миллий манфаатларга дахлдор масалаларни референдумга қўйиш юзасидан Президентга таклиф киритиш, фавқулодда ҳолат жорий қилиш каби ваколатларга эга.

Депутатлар, парламент фракцияси ҳамда ҳукумат қонунчилик ва референдум ўтказиш ташаббусини илгари суриш ваколатига эга. Қолаверса, сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар гуруҳи ҳам мазкур ҳуқуқдан фойдаланади. Республика Мажлисига сайлов ўтказилганидан сўнг олти ой ичида ёки унинг ваколат муддати тугашига ярим йил қолганида, фавқулодда ҳолат пайтида парламент тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Парламент сессияси 15 сентябрдан бошланиб, 15 июнга қадар давом этади. Республика Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Президент ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Вазирлар парламент мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, ҳукумат аъзоларининг депутатлар берадиган оғзаки ёки ёзма саволларига жавоб бериши лозим бўлган мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси кўриб чиқиш ва имзолаш учун Президентга тақдим этилади. Давлат раҳбари лойиҳани унга тақдим этилган кундан бошлаб 20 кун ичида кўриб чиқади. Агар Президент қонун лойиҳасини Конституцияга мувофиқ эмас, деб топса, уни парламентга қайта кўриб чиқиш учун қайтаришга ҳақли. Агар парламент аъзоларининг кўпчилик қисми лойиҳани ҳеч бир ўзгаришсиз қайта қабул қилса, у ҳолда Президент уни саккиз кун ичида имзолаши шарт.


Португалияда ўтган йилнинг 4 октябрида мамлакат парламентига сайлов ўтказилди. Жами 13 партия ҳамда уч коалиция қатнашган сиёсий жараёнда Социал-демократик партия ҳамда Халқ партиясидан иборат ўнг марказлашган коалиция ғалаба қозонди. Мазкур коалиция гарчи сайловчиларнинг 38,6 фоиз овозини, яъни 107 ўринни қўлга киритган бўлса-да, бу уларга парламентда мутлақ устунлик имконини бермади. Чап сиёсий бирлашма — "Сўл блок" сайловчиларнинг 10, Демократик бирлик коалицияси эса 8 фоиз овозни қўлга киритди.



Рангин дунё

Сингапур Санъат ва фан музейи соҳил бўйида — дунёга машҳур Marina Bay Sands меҳмонхонаси яқинида жойлашган. Ўзига хос дизайн асосида қурилган бундай меъморчилик намунасини Ер юзида ягона деса ҳам бўлади. Нилуфаргул шаклида бунёд этилган бу иншоот ўн устунга таяниб туради: у гўё ҳавода муаллақ тургандек тасаввур уйғотади. Иншоот бежиз нилуфаргулга ўхшатиб қурилмаган. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор: ушбу япроқлар Сингапур халқининг очиқ қўллиги ва меҳмондўстлиги тимсолидир. Музейни ташкил этишдан мақсад — оммани илм-фан ва санъат уйғунлиги асосида яратилган ижод намуналари, экспонатлар билан яқиндан таништириш, мамлакатга сайёҳларни янада кенг жалб этишдан иборат.

Нилуфаргул шаклидаги музей



Санъат ва фан музейи 2011 йилнинг 17 февралидан фаолият кўрсатишни бошлади. Умумий майдони 6 минг метр квадрат бўлган иншоот исроиллик таниқли меъмор Моше Сафди лойиҳаси асосида бунёд этилган. Мазкур ноёб лойиҳани амалга ошириш учун 5,5 миллион доллар сарфланди. Мажмуанинг ликопсифат томи ўртасида айлана шаклида ҳовуз қурилган. У ёмғир сувини ўзида тўплайди. Йиғилган сув музей юқорисидан 35 метр пастга — махсус сув омборига йўналтиради. Бу ерда сув қайта ишланиб, хўжалик мақсадлари учун фойдаланилади. "Нилуфар" ўн "япроқ"-



ли: энг баланди — 60 метр. Иншоотга қуёш нури унинг "япроқ"ларида ўрнатилган деразалар орқали киради. Бинони қуришда ўта сифатли, зангламайдиган пўлат ҳамда қимматбаҳо яхталарни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган махсус полимер ашёсидан фойдаланилган.

Музей уч қаватли. Унинг 21 залида санъат, фан, технологиялар, дизайн, меъморчилик, ҳатто оммавий ахборот воситалари соҳасига оид кўргазмалар ташкил этилади. Бу ерда "Қизиқиш", "Илҳом" ҳамда "Ифода" деб номланган уч доимий кўргазма зали фаолият юритади. Музейда инсоният қўли билан яратилган қадимий техника воситаларидан тортиб, замонавий робот-технологияларга оид экспонатлар, мультимедия объектларигача жой олган. Машҳур италиялик рассом Леонардо да Винчининг ижод намуналари, хусусан, у ясаган учиш ускунасининг макети ҳамда илм-фан соҳасида амалга оширилган сўнгги қашфиётлар нусхалари томошабинлар эътиборини тортиши шубҳасиз.

Музей ҳар куни эрталаб соат ўндан кечки саккизга қадар фаолият юритади. Мажмуа кечаси пушти рангда товланади. Унинг юқори қисмида турли томошалар, концертлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Музейда замонавий интерфаол ҳамда мультимедия технологиялардан фойдаланилаётгани томошабинлар қизиқишини янада оширмоқда. Бу ерда мунтазам Сальвадор Дали, Энди Уорхол, Анна Лейбовиц сингари мўйқалам усталари, фоторассомларнинг ижод намуналари ҳамда 1912 йилда ҳалокатга учраган "Титаник" кемасининг фожеали тарихига бағишланган кўргазмалар ўтказиб келинади. Қолаверса, Америка табиий фанлар музейи ҳамда Смитсон университети ташаббуси билан "Буюк ипак йўли: замонавийлик сари бошловчи қадимий йўл", "Кема ҳалокати: хазина ва муссон шамоли иси" сингари кўргазмаларни ташкил этиш яхши анъанага айланган.

Музейга ташриф буюрадиган ҳар қандай томошабин махсус ажратилган залда ўзи истаган санъат намунасини яратиб, иқтидорини намоён этиш имконияти мавжуд. Мутахассислар эътиборини тортган ижод намуналари музей коллекциясидан жой олади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Рио олимпиадаси: дзюдочиларимизда икки бронза

Дзюдо бўйича терма жамоамиз аъзолари Диёрбек Ўрозбоев ҳамда Ришод Собиров Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилаётган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида бронза медалларини қўлга киритди.



Оғирлик вазни 60 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида татамига тушган истеъдодли спортчимиз Диёрбек Ўрозбоев Австралия, Швейцария, Бразилия ҳамда Грузия терма жамоаси аъзоларини мағлуб этиб, бронза медалга сазовор бўлди. Мусобақада 66 килограмм вазн тоифасида иштирок этган Ришод Собиров учун эса бу Олимпия ўйинларидаги учинчи бронза медалидир.

Нефть танкерлари тўқнашди

Йокогама ва Кавасаки шаҳарлари яқинида жойлашган Токио бўғозидаги Кэйхин портида 7 август куни эрталаб икки танкер тўқнашиб кетиши оқибатида нефть сизиши рўй берди. Бу ҳақда "РАТА-ТАСС" хабар тарқатган.




Маълумотларга кўра, ҳодиса туфайли ҳеч ким жабрланмаган. Япон танкери бортида уч экипаж аъзоси бор эди, нефть сизиши айнан ушбу кемада содир бўлган. Бироқ унда қанча миқдорда нефть бўлгани номаълум. Ҳозирда танкер чўкаётгани айтилмоқда. Иккинчи танкер ҳақида унинг фақат Панама байроғи остида сузгани маълум. Маҳаллий телеканаллар намойиш этган ҳалокат жойидан олинган видеолавҳаларга кўра, танкер қаттиқ шикастланмаган.

Япония қирғоқ полицияси ҳодиса тафсилотларини ўрганишга киришди.

Минг ёшли қоятош расмлари

Хитойлик археологлар шимолий ҳудуддаги Иньшань тоғларида минг ёшли петроглифлар — қоятош расмларини топди. Бу ҳақда, РАТА-ТАСС хабар тарқатган.



Баян-Нур шаҳар округига қарашли маъмурий ҳудуд маданий мерос бошқармаси раҳбари Лю Биннинг сўзларига қараганда, расмларда асосан қўй, туя, буғу, йўлбарс ва бўри каби жониворлар тасвирланган. Экспертлар қоятош расмлари бундан минг йил олдин чизилган бўлиб, жануби-ғарбий Хитойдаги Сичуань вилоятида истиқомат қилувчи цян элати аждодларига тегишли деган тўхтамга келган.

Сув тошқини талафотлари

Покистон жанубидаги Синд вилоятида ёққан кучли жала туфайли юзага келган сув тошқини оқибатида 21 киши ҳаётдан кўз юмди, дейилади "ria.ru" сайтида.

Ёмғир жума куни кечқурун ёға бошлаган. Вилоят марказидаги Карачи шаҳрида турар-жой биноларининг зарар кўриши ҳамда электр токи уруши оқибатида 14 киши ҳалок бўлди. Бадин, Митхи ва Татта шаҳрида ҳам қурбонлар борлиги маълум қилинмоқда. Вилоят ҳудудидаги йўллар сув остида қолган, электр тармоқлари шикастланган.

Автобус-туннель синовдан ўтказилди

Хитойнинг Хэбэй вилоятида Пекиннинг "Transit Explore Bus" компаниясининг автобус-туннели синовдан ўтказилди, дея хабар бермоқда "techcult.ru".



Автобуснинг йўловчилар ўтирадиган салони шу даражада баландда жойлашганки, унинг остидан автомобиллар бемалол ўтиб кета олади. Бироқ уни тўлиқ автобус деб бўлмайди. Чунки у худди трамвай сингари рельслар бўйлаб бир йўналишда ҳаракатланади. Автобус соатига 60 километр тезликда ҳаракатлана олади. Унинг синовдаги модели 300 йўловчини сиғдиради. Кейинчалик унинг сиғимини 1,4 минг ўринга етказиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда мазкур лойиҳага Ҳиндистон, Франция, Индонезия ҳамда Бразилия қизиқиш билдирмоқда. Мегаполис шаҳарларда бундай транспорт воситаларидан фойдаланиш йўловчиларни ташиш билан боғлиқ муаммоларни ечим бўлиш билан бирга атроф-муҳит ифлосланишининг ҳам олдини олади.

"Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.


MILLIY TIKLANISH
31(403) 2016 йил 10 август, чоршанба

Туризм

Қадим шаҳар жозибаси

хорижлик сайёҳлар оқими кенгайишига хизмат қилмоқда

Бухоро кўп асрлик осори-атиқалари, ноёб меъморий обидалари, ҳунармандчилиги, дунё илм-фанига беқёс ҳисса қўшган алломалари билан машҳур. Истиқлол йилларида эса кўҳна ва боқий бу шаҳарнинг мавқеи қайта тикланди: қадимий масканлар таъмирланиб чирой очаётган бўлса, янги-янги замонавий бинолар кўрки боис Бухоронинг сайёҳлик салоҳияти янада ошиб бормоқда. Вилоятдаги 900 дан ортиқ тарихий-меъморий обидаларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий сайёҳлик хизматлари халқаро бозорларга фаол кириб бораётир.

— Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли вилоятимизга келаётган сайёҳлар сони муттасил ошиб бормоқда, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлими бошқарувчиси Шерзод Маҳмудов. — Илгари сайёҳларга фақат Бухоро шаҳридаги меъморий обидалар кўрсатилган бўлса, бугун уларга вилоятнинг тарихий-маданий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, халқ амалий ва тасвирий санъат музейлари, ҳунармандчилик намуналарини ўз ичига олган туристик йўналишлар таклиф этилмоқда. Етти Пир сайёҳлик



йўналиши бўйича Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний, Хўжа Муҳаммад Ориф Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир-Фағнавий, Хўжа Азизон, Хўжа Муҳаммад Бобо Самосий, Хўжа Саид Амир Кулол, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларига сайёҳлик ташкилотлари воситасида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар кенг жалб қилинмоқда.

"2016-2017 йилларда Бухоро вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастури"га асосан туризм саноатини замон талаблари даражасида ташкил этиш, меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш ҳамда соҳани изчил ривожлантириш бўйича кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилда дастур доирасида Бухоро шаҳрининг Пойи Остона кўчасида жойлашган "Хуржун" мадрасаси тўлиқ таъмирланиб, шинам меҳмонхонага айлантирилди. Олот туманида 80 ўринли, Бухоро шаҳрининг Мустақиллик кўчасида 36 ўринли янги меҳмонхоналар иш бошлаш арафасида. Бундан ташқари, "Заргарон Плаза", "Сиёвуш", "Рангрез", "Шарқ", "Султон" каби меҳмонхоналарда қўшимча 30-40 ўринли замонавий бинолар қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

Соҳани ривожлантириш дастури доирасида ўтган 2015 йилда вилоятда ўнта янги замонавий меҳмонхона ишга туширилган эди. Бу рақамлар ҳудудга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бораётганидан ёрқин далолат беради.

Жорий йилда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан 130 мингга яқин хорижий сайёҳни қабул қилиш кутилмоқда. Айниқса, Франция, Германия, Италия, Япония, Испания, Буюк Британия, АҚШ, Жанубий Корея, Швейцария, Хитой, Малайзия, Австрия каби давлатлардан келаётган сайёҳлар оқими тобора кенгаяётгани эътиборга молик. Мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан сайёҳларнинг сони ва ялпи хизматлар даражаси ўн баробарга кўпайди.

Тарихий шаҳарни айланар эканмиз, бу ердаги меъморий обидалар, халқимиз миллий ҳунармандчилигига оид заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик мактаблари фаолияти билан яқиндан танишиш учун барча шароит яратилганига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш дастурлари ранг-баранг. Унда маданий ҳордиқ алоҳида ўрин эгаллайди. Нодир Девонбеги мадрасасида хорижликлар вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган фольклор дастаси чиқишларидан баҳраманд бўлади, Лаби ҳовузда ҳар оқшом чет эллик сайёҳлар учун миллий мақомларимиз ижро этилади, миллий либослар, ҳунармандлар яратган антиқа совғалар кўргазма савдоси намойиш этилади.

— Қадимий Бухоро шаҳри ҳақида кўп эшитган ва ўқиган эдим, лекин бугун уни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман, — дейди италиялик сайёҳ Никола Риччи хоним. — Бу ердаги обидаларнинг ўзига хос кўриниши, ширинсуҳан ва меҳмондўст одамлари менда катта таассурот қолдирди. Серқуёш Ўзбекистон, унинг самимий инсонлари умрбод ёдимда қолади. Мен Бухорода кўрганларимни юртдошларимга, албатта, сўзлаб бераман...

Вилоятда ички туризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ички туризм иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Сайёҳлик ташкилотлари мустақиллик йилларида бунёд этилган янги кўча, бино ва боғ-роғларни кўриш ва завқланишни истаган юртдошларимизга мамлакатимизнинг Тошкент, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз ва Бухоро шаҳарларини ўз ичига олган сайёҳлик йўналишларини тақдим этмоқда.

Айни пайтда вилоятда экотуризмни ривожлантириш бўйича ҳам янги имкониятларни ишга солиш режалаштирилмоқда. Бухоро, Когон, Ромитан, Ғиждувон, Қоракўл, Қоровулбозор, Олот туманларида сайёҳлик хизмати нисбатан ривожланди. "Жайрон" экологик марказида ноёб ҳайвонларни томоша қилиш учун барча қулайлик мавжуд. Ромитан туманида "Express Tour Max" фирмаси Қизилқум чўлида туристик мажмуа лойиҳаси асосида сайёҳларни ўтовда қабул қилишни ташкил этмоқда.

Жорий йилда Когон шаҳар ва Жондор туманида ҳам сайёҳликнинг маданий туризм, экотуризм, агротуризм, ноанъанавий туризм каби бир қатор турлари ривожланди.

Бир неча йилдирки, Бухорода "Ипак ва зираворлар" фестивали ўтказилмоқда. Анъана ва усуллари тикланган ҳунармандчилик ривожи тақдимотига айланган, соҳа ходимларининг ўзаро тажриба алмашишига хизмат қиладиган бу тадбир туризмни равнақ топтириш, хорижий сайёҳларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётир. Айниқса, 2014 ва 2015 йилларда фестиваль кенг кўламда ўтди, унинг доирасида ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа учун минтақавий дастури вакили ҳамда бир қатор хорижлик соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мухтасар айтганда, қадимий Бухоро воҳаси бугунги кунда сайёҳликнинг барча турини кенг ва фаол ривожлантириш учун беқиёс имкониятга эга масканлардан бири саналади.

Ҳумоюн АКБАРОВ,
журналист

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

"Данагидан мағзи ширин"

Мазкур нақлни полиз экинлари уруғига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Чунки улар ҳам тотли, ҳам турли дардга даво.

Ошқовоқ уруғи таркибидаги кукурбитин моддаси инсон организмида учрайдиган гижжа ва қуртларни нобуд қилади. Бунинг учун 2-3 ош қошиқ ошқовоқ уруғи устки пўстлоғидан тозаланиб (мағзидаги целлофансифат пўстлоғини олиб ташламанг) ҳовончада эзилади. Бироз сувга оз миқдорда асал қўшиб, бўтқа ҳолига келгунча аралаштирилади. Аралашма эрталаб оч қоринга бир ош қошиқдан бир соат давомида истеъмол қилинади. Таъсир даражасини ошириш учун уч соатдан сўнг ични юмшатувчи дамлама ичилади. Муолажа 2-3 кунлик танаффус билан такрорланиши мумкин.



Овқат ҳазмини осонлаштириш, ичак тизимини яхшилаш учун овқатдан сўнг ошқовоқ уруғи ейилади. Хитойликлар ошқовоқ уруғи билан руҳий тушкунликни даволайди. Чунки у хотирани мустаҳкамлаб, иммунитетни кўтаради, мия фаолиятини яхшилайди ва чарчоқни енгади. Юздаги ҳуснбузарларни йўқотиш учун кунига 5-6 дона ошқовоқ уруғи истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ошқовоқ уруғининг яна бир фойдали жиҳати, простата безини муҳофаза қилади. Бунинг учун ҳар куни 30 дона ошқовоқ уруғини ейиш зарур. 500 грамм ошқовоқ уруғи гўштқиймалагичдан ўтказилиб, 200 грамм асал билан аралаштирилади. Аралашмадан ёнғоқчалар ясалиб, музлатгичга қўйилади. Ҳар куни овқатдан ярим соат аввал бир ёки икки донадан ейилади. Даво учун фақат пиширилмаган ошқовоқ уруғини ейиш лозим. Чунки уруғ қовурилганида фойдали хусусиятларини йўқотади. Таркибида ёғ миқдори кўп бўлгани боис ошқовоқ уруғини кўп истеъмол қилиш ҳам тавсия этилмайди.

Тарвуз уруғи ҳам витаминларга бой: гижжани йўқотишда самарали таъсир кўрсатади. Бунинг учун қуритилган тарвуз уруғи кукун ҳолига келтирилиб, сут билан аралаштирилади (бир стакан сутга 1-2 ош қошиқ тарвуз уруғи кукуни қўшилади). Овқатдан 2-3 соат олдин бир стакандан кунига икки маҳал ичилади. Бундай аралашмани болаларга ҳам ичириш мумкин. У гижжа пайдо бўлишининг олдини олади.

Тарвуз уруғи таркибидаги аргинин аминокислотаси юрак-қон томир тизими ҳамда қон босими касаллигига чалинган беморлар учун фойдали. У иммунитетни оширади ва ошқозон-ичак тизими фаолиятини яхшилайди.

Қовун уруғи рух моддасига бой бўлиб, тери ва сочга яхши таъсир кўрсатади. Бунинг учун кунига бир чой қошиқдан кукун ҳолига келтирилган қовун уруғини истеъмол қилиш зарур.

БИЛАСИЗМИ?

- АҚШнинг Огайо штати, Колумбус шаҳридаги ҳайвонот боғида сақланган бўғма илон 2010 йилга қадар дунёдаги энг узун илон сифатида тан олинган. Вазни 135 килограмм, узунлиги 7,3 метр бўлган илон "Гиннеснинг рекордлар китоби"га ҳам киритилган.
- Дунёдаги энг кичкина илон Барбадос ҳудудидан топилган бўлиб, узунлиги 10 сантиметрни ташкил этади.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимий кумуш тангалар топилди

Пабло де Олавиде номидаги университет талабаси Гильерме Ортис Испанияда жойлашган Жирона шаҳрида олиб борган қазилма ишлари пайтида 200га яқин қадимий Рим кумуш тангаларини топиб олди.

Топилма Каталония археология музейи мутахассисларига топширилди. Музей ходимларининг айтишича, тангалар яхши ҳолатда сақланган. Топилма эрамиздан аввалги I асрга тааллуқли бўлиб, уй ичидаги ертўлага кўмиб қўйилган. Кумуш тангалар эрамиздан аввалги 115-81 йиллар оралиғида зарб этилган. Тангаларда бошига дубулға кийган Рим ҳукмдори Ромул, шунингдек, жониворлар, ғалабани ифодоловчи рамзлар тасвирланган. Археологлар танга сақланган уй ўрнини топишга муваффақ бўлишди. Бу уй зодагон оилага тегишли бўлгани тахмин қилинмоқда.

Имконияти чекланганлар учун робот

АҚШнинг "Desin" компанияси муҳандислари имконияти чекланган одамларга мўлжалланган "Obi" роботини ишлаб чиқарди.

Робот қўл-манипулятор ҳамда турли таомларни жойлаштиришга мўлжалланган махсус ликопчалар билан жиҳозланган. Роботнинг микротўлқинли печида овқатни қиздириш ҳам мумкин. Робот ҳаракатга келишидан олдин ётган ўрнига қараб созланади. Шундан сўнг махсус қўллари воситасида имконияти чекланган одамни овқатлантириб қўяди.

Роботнинг илк прототипини Жон Декар 2006 йилда Дейтон университетида ясаган эди. Ўша пайтда муҳандислик факультетининг талабаси бўлган йигитни турли ёшдаги имконияти чекланган одамларнинг ҳолати ташвишга сола бошлайди. Шундан сўнг "Desin" компанияси асосчилари Жон ва унинг отаси Том мазкур лойиҳани амалга оширишга қарор қилади.

Робот айни пайтда синовдан ўтказилмоқда. Уни 4,5 минг долларга сотиш мўлжалланмоқда.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда партия Марказий кенгаши фракция аъзоси Нодиржон Мухторовга онаси

Инобатхон аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Кўргазма

Хивада қовун сайли

Хива шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи — 2016" деб номланган қовун сайли ташкил этилди.



Хоразм вилояти ҳокимлиги ва "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг минтақавий бўлими, маданият ва спорт ишлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ҳамда бошқа бир қатор давлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган қовун сайлида вилоятнинг барча тумани фаол иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими Пўлат Бобожонов ва бошқалар юртимизда, хусусан, Хоразмда мевасабзавот ва полизчиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида бозорларимиз, халқимиз дастурхони тўкин ва фаровон бўлиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартдаги "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори асосида юртимизнинг тарихий-маданий ёдгорликлари қатори заминимизда етиштириладиган ноз-неъматлар, жумладан, ширин-шакар қовунлар ҳам кенг намойиш қилинмоқда.

Хоразм қовунлари азалдан довруғ қозонган. Қовун сайлида воҳанинг етмишдан зиёд фермер хўжаликларида етиштирилган гурвакнинг "Оқ новвот", "Оби новвот", "Хива бешаги", "Қари қиз", "Ширинпечак", "Гулоби" каби қирқ навдаги тилими тилни ёрадиган қовунлар намойиш этилди. Вилоят полизчилигининг бугунги имкониятлари тақдимотига айланган сайл турфа нав қовунларни танлаш имконияти кенглиги билан қадим Хива аҳли ва унинг меҳмонларига манзур бўлди.

— Хоразмга келган сайёҳлар бетакрор ва унутилмас таассуротлар билан қайтади. Муқаддас қадамжолар, тарихий масканларга бой бу заминда дунё илм-фани ва тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар яшаб, ижод этган, — дейди франциялик сайёҳ Силвия Жери — Омадимизни қарангки, бу кўҳна заминга сафаримиз қовун сайлига тўғри келди. Фурсатдан фойдаланиб, унинг ҳамма туридан татиб кўрдик. Мазасини таърифлашга тил ожиз. Умрим бино бўлиб бундай ширин қовун емаганман. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, миллий таомлар, урф-одат ва анъаналар кишини ҳайратга солади. Фурсатдан фойдаланиб, жаннатмонанд юртда яшаётган ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан табриклайман.

— Ҳар бир қовун навининг таъми ўзгача, — дейди япониялик сайёҳ Хироши Танаби. — Мен кўплаб мамлакатлар қовунларидан татиб кўрганман. Аммо ҳеч бири бу ерники каби хуштаъм ва ширали эмас. Халқингиз жуда самимий ва хушмуомала экан. Балки, одамларнинг ширинсўзлиги ҳосилга ҳам сингандир?! Расталарга қўйилган қовун ва тарвуздан тайёрланган шарбатлар ҳам табиийлиги ва мазаси билан менга жуда ёқди. Айниқса, ёз ойларида қуёш тафтида пишган полиз маҳсулотини жазирамада сув ўрнида бемалол тановул қилиш мумкин. Ери серҳосил, осмони серқуёш Ўзбекистонга, бағрикенг ва очиқ кўнгил халқингизга ҳавасим келди.

— Бугунги тадбиримиздан асосий мақсад — ҳам нави, ҳам мазаси билан довруғи етти иқлимга ёйилган қовунларимизни воҳамиз меҳмонлари, хусусан, хорижлик сайёҳларга кенг тарғиб қилишдан иборат, — дейди Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Шокир Мадаминов. — Қовун сайли доирасида бошқа турдаги полиз маҳсулотлари ва мевалар кўргазмасини ҳам ташкил этдик.

Қовун сайли доирасида "Ширин қовун" танлови ҳам ўтказилди. Унда Хазорасп, Хива, Қўшкўпир туманлари фермер хўжаликлари тегишли равишда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Тадбирда қовун етиштиришни янада ривожлантириш, илғор технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, қовуннинг йўқолиб бораётган навларини қайта тиклаш, янгиларини кўпайтириш борасида мутахассислар билан фикр алмашилди.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири,
Икром ХУДОЙБЕРГАНОВ олган сурат

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 825, Адади — 5068. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Тўмарис БУТУНБОЕВА
Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.40.
ЎзА якуни — 21.40.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345